Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

✦ № 14 (9510).

1989 йил 19 январь пайшанба

Баҳоси 3 тийин.

КЛАРА РУСТАМОВА Октябрь район Советининг депутати сифатида жамоат ишларида актив қатнашиб, анчагина тажриба орттирган. У ўзи меҳнат қилаётган Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиларининг дам олиш зоналарини барпо этишда, корхонада меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг иш ҳамда маданий-маиший шароитларини яхшилашда депутат сифатида ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бирлашма коллективи ўзининг сайловолди йиғилишида бичиқчи К. Рустамованинг ана шу фазилатларини ҳисобга олиб, уни СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Бирлашма ишчиси А. Каримов киритган бу таклифни йиғилишда сўзга чиққан барча нотиқлар қўллаб-қувватладилар.

* * *

БУНДАЙ сайловолди йиғилишлари айни кунларда кўпгина меҳнат коллективларида, турар-жойлардаги сайловчилар ўртасида бўлиб ўтаётир. Меҳнаткашлар халқнинг энг муносиб номзодларини депутатликка кўрсатмоқдалар. Қуйида СССР халқ депутатлигига меҳнат коллективлари ва турар-жойлардаги сайловчилар йиғилишида кўрсатилган номзодлар билан танишасиз:

МУНОСИБЛАРНИНГ НОМЗОДИ КЎРСАТИЛМОҚДА

✦ Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси коллективидан шу фабрика бригада бошлиғи **А. Ушакова.**

✦ Киров район соғлиқни сақлаш бўлими коллективидан шу бўлим мудири **М. Шахобова.**

✦ Чирчиқ трансформатор заводи коллективидан йиғувчи-слесарь **К. Павлов.**

✦ Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози коллективидан сут соғувчи **Ҳ. Уроқова.**

✦ «Узмедбиохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективидан шу бирлашма бош директори **Қ. Содиқов.**

✦ Тошкент тўқимачилик комбинати меҳнат коллективидан Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Б. Сатин.**

✦ Ангрендаги «Резинатехника» заводи меҳнат коллективидан шу завод директори **И. Искандаров.**

✦ «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективидан шу бирлашма бош директори **Р. Содиқов.**

✦ Тепловоз-вагон ремонти заводи коллективидан қозонхона қурилмалари машинисти **Е. Маршалов.**

✦ С. Раҳимов районидаги 21-болалар поликлиникаси меҳнат коллективидан шу поликлиника бош врачи **М. Зокирова.**

✦ «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективидан шу бирлашма бош директори **А. Федоров.**

✦ Тошкент олий танк командирлари билим юрти коллективидан Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси бошлиғи **А. Овчинников.**

✦ Оржоникидзе районидаги Матқобулов қишлоқ Совети аҳолисидан «Қизил Ўзбекистон» колхози бригадири **А. Эгамназаров.**

✦ Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари химияси институти коллективидан шу институт директори **А. Глушенкова.**

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ТАЖРИБА!

КООПЕРАТОРНИНГ «ОЙНАВАНД ДАЛА»СИ

ОЗИҚ-овқат программаси кун тартибидаги энг муҳим вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаяпти. Лекин бу соҳадаги ҳозирги аҳвол қониқарли эмас. Аҳолининг ўсиб бораётган талабини қондириш учун кўпроқ амалий иш қилиш, озиқ-овқат етиштиришдаги мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш керак. Бу вазифани бажариш учун ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Акс ҳолда ишда силжиш бўлиши қийин. Масалан, теплицаларни олиб кўрайлик. Қиш даврида уларсиз аҳолига сабзавот ва кўкатлар етказиб бериш амалда мумкин эмас. Афсуски, ҳозир областда 150 гектар ерда теплица бўлгани ҳолда бунинг уддасидан чиқилмаяпти. Уларда ҳосилдорлик Иттифоқ бўйича эришилаётган натижадан 2—2,5 баравар пастлигича қолмоқда. Ҳозир кечиктириб бўлмайдиган иш «ойнаванд далалар»да ҳосилдорликни кўтаришдир. 14 январь куни Калинин районидаги 1-Тошкент теплица комбинатида ана шулар ҳақида гап борди.

Бунинг ягона йўли илғор тажрибаларни, иш усулларини оммалаштиришдир. Фақатгина шу йўл билан теплицаларда ҳосилдорликни ошириш мумкин. Иккинчи муҳим масала саноат корхоналари, шаҳарлар билан хўжаликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдир. Афсуски, ҳозирги кунда бу етилган масалага эътибор берилмаяпти. Ваҳоланки, Озиқ-овқат программасини бажариш умумхалқ ишидир. Нега ҳозирги кунда теплица хўжаликларига саноат корхоналари ёрдам беришлари мумкин эмас? Шу йўл билан хўжаликларни реконструкция қилиш, қайта жиҳозлаш, уларнинг қувватини кескин ошириш мумкин бўлур эди. Айни пайтда шаҳарликларга, ишчиларга қиш даврида ҳам сархил сабзавот, резаворлар етказиб бериларди.

Теплицалар ҳосилдорлигини оширишдаги яна бир резерв меҳнатни ташкил этишнинг ижара, коллектив пудрат усулларини кенг қўлланишидир. Ҳозирча бу иш усуллари колхоз ва совхозларда кенг оммалашиб бораётган бўлса-да, теплица хўжаликларида эътибор суст. Ваҳоланки, бу усуллар катта самара келтиришини тажрибалар кўрсатиб турибди.

Юқоридаги масалаларни узил-кесил ҳал қилиш, тезроқ амалий ишга киришиш билангина мақсадга эришилади. Шунинг учун ҳам бу йиғилишга Тошкент шаҳри партия комитетларининг биринчи секретарлари ҳамда областдаги сабзавот ва мева етиштиришга ихтисослашган Оржоникидзе, Калинин, Тошкент, Ғалаба районлари ва Нариманов шаҳри партия комитетларининг раҳбарлари таклиф этилган эдилар. Йиғилиш қатнашчилари 1-Тошкент теплица комбинатида ташкил этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кооперативининг иши билан танишдилар. «Юрмалак» деб номланган бу кооператив аъзолари помидор ва бодринг экинини томчилаб суғориш усулида етиштириш бўйича иш олиб боришяпти. Ю. Лихоносов бошлиқ коллектив теплица комбинати билан шартнома асосида икки гектар «ойнаванд дала»ни ижарага олди.

— Биз ижарага олган икки гектар теплицадаги туп-роқ деярли ишдан чиққан эди, — дейди Ю. Лихоносов. — Шунинг учун ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари билан ҳамкорликда томчилаб суғориш усулида маҳсулот етиштиришга қарор қилдик. Бу усулнинг биринчи афзаллиги меҳнат сарфи оддий теплицаларга қараганда 7-8 баравар камдир. Томчилаб суғориш усулининг технологияси ҳам оддий: махсус идиш ва ёки полиэтилен плёнкасига (ҳатто оддий гул туваклари ҳам бунга ярайди) 15—17 сантиметр қалинликда гўнг ёки торф солинади. Унга помидор кўчатлари ўтқазилади. Ҳар туп экин тупи илдиз қисми тепасидан махсус шлангалар ўтган. Ана шу шлангалар орқали экиннинг талабига қараб томчилаб сув берилади. Албатта, бу оддий сув эмас, балки экин учун зарур бўлган барча моддалар қўшилиб тайёрланган озуқа суюқлигидир. Бу суюқлик махсус идишда тайёрланиб, лаборатория текширувидан ўтказилади. Ана шундан сўнггина уни ишлатамиз.

Кооператив аъзолари 20 сотих ерда хитойликларнинг усулида маҳсулот етиштиришмоқда. Бу ҳозирча Иттифоқда ягона ҳисобланади. Ердан 15—20 сантиметр баландликка махсус пахтасимон материал тўшалади. Унинг устига тувакларда экин экилади. Унинг илдизлари ривожланиб, ана шу пахтасимон материалнинг ичига кириб кетади. Шу тариқа бу материалдан озуқ олади. Бу материалнинг устидан ҳам томчилаб суғориш усулида ишлатиладиган шлангалар ўтган. Дастлабки натижалар помидор ва бодринг экини бу материал устида тез ва соғлом ривожланишини кўрсатмоқда. Энг муҳими ҳар иккала усулда ҳам ортиқча харажатларга йўл қўйилмаяпти.

— Биз ишни бошлашдан олдин икки гектар ердаги теплицани реконструкция қилдик, — деди Ю. Лихоносов. — Ён томонлардаги ситиш мосламаларини ерга ётқиздик. Бундан мақсад экин остидан қанчалик иссиқликни кўп олса, шунчалик тез амал олади. Хуллас, бу 2 гектар ерни тўлиқ мослаштириш учун 200 минг сўмга яқин пул сарфладик. Бу пулни қарзга олдик. Мақсадимиз йил охирига бориб камида 600 минг сўм даромад қилиш. Бунинг учун барча имкониятлар бор. Ҳозирча кооперативда бор-йўғи 5—6 киши меҳнат қилаяпмиз.

Йиғилиш қатнашчиларидан шундай савол тушди.

— Бу тажрибани кенг оммалаштирилса, кутилган самара беришига ишонасизми?

— Биринчи галда бу усулда иш юритиш учун кадрлар тайёрлаш керак. Албатта, томчилаб суғоришга барча теплицаларни бирдан ўтказиш қийин. Лекин бу усулга ўтсак, теплицалар ҳосилдорлиги кўтарилишига ишонаман.

Йиғилишда шундай факт келтирилди. Болтиқбўйи республикаларида 24 гектар ердаги теплицадан 6 миллион сўм даромад қилинмоқда. Ваҳоланки, 1-Тошкент теплица комбинатида ҳам 23,5 гектар «Ойнаванд дала» бор. Бу теплица давлатдан 1 миллион 800 минг сўм қарз. Ҳосилдорлик 7—8 килограммдан ошмаяпти. Албатта, бу пул асосан комбинатни реконструкция қилишга сарфланган. Лекин қарздан тезроқ қутулиш йўлларини излаш керак. Бунинг ягона йўли сарф-харажатни камайтириб, ҳосилдорликни оширишдир. Бошқа республикалардаги теплицаларда бир марта экилган экиндан ўн бир ойгача маҳсулот олинмоқда. Бизнинг хўжаликларимизда бу муддат беш-олти ойдан ошмаяпти. «Юрмалак» кооперативи раиси камида битта экиндан 9—10 ой маҳсулот олишга эришишимиз керак, деди. Бунинг учун теплицаларга тепа қисмидан салқин ҳаво берувчи мосламалар ўрнатиш лозим. Агар бу усул яхши самара берадиган бўлса, тезроқ амалга ошириш керак, деб ўйлаймиз.

— Бу усулнинг моҳияти сув, ўғит сарфини 50 процентгача қисқартиради,— деди сўзга чиққан Республика сабзавотчилик ва картошкачилик илмий-текшириш институти бўлими мудири профессор Н. С. Бокурас.— Яна бир қулайлиги бу усулда ёмон, ишдан чиққан тупроқли майдонларда ҳам маҳсулот олиш мумкин. Ҳатто шаҳардаги саноат корхоналари ҳам теплицалар қуриб ана шу усулни қўлланиб, хоҳлаганча маҳсулот етиштириш имкониятига эгадирлар. Ҳозирги кунда янги усулни очиқ майдонларда ҳам қўлланишни режалаяпмиз.

Энди аҳолини қиш даврида маҳсулот билан таъминлаш масаласига келсак. Агар қуввабинатида ташкил этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кооперативининг иши билан танишдилар. «Юрмалак» деб номланган бу кооператив аъзолари помидор ва бодринг экинини томчилаб суғориш усулида етиштириш бўйича иш олиб боришяпти. Ю. Лихоносов бошлиқ коллектив теплица комбинати билан шартнома асосида икки гектар «ойнаванд дала»ни ижарага олди.

— Биз ижарага олган икки гектар теплицадаги туп-роқ деярли ишдан чиққан эди, — дейди Ю. Лихоносов. — Шунинг учун ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари билан ҳамкорликда томчилаб суғориш усулида маҳсулот етиштиришга қарор қилдик. Бу усулнинг биринчи афзаллиги меҳнат сарфи оддий теплицаларга қараганда 7-8 баравар камдир. Томчилаб суғориш усулининг технологияси ҳам оддий: махсус идиш ва ёки полиэтилен плёнкасига (ҳатто оддий гул туваклари ҳам бунга ярайди) 15—17 сантиметр қалинликда гўнг ёки торф солинади. Унга помидор кўчатлари ўтқазилади. Ҳар туп экин тупи илдиз қисми тепасидан махсус шлангалар ўтган. Ана шу шлангалар орқали экиннинг талабига қараб томчилаб сув берилади. Албатта, бу оддий сув эмас, балки экин учун зарур бўлган барча моддалар қўшилиб тайёрланган озуқа суюқлигидир. Бу суюқлик махсус идишда тайёрланиб, лаборатория текширувидан ўтказилади. Ана шундан сўнггина уни ишлатамиз.

Кооператив аъзолари 20 сотих ерда хитойликларнинг усулида маҳсулот етиштиришмоқда. Бу ҳозирча Иттифоқда ягона ҳисобланади. Ердан 15—20 сантиметр баландликка махсус пахтасимон материал тўшалади. Унинг устига тувакларда экин экилади. Унинг илдизлари ривожланиб, ана шу пахтасимон материалнинг ичига кириб кетади. Шу тариқа бу материалдан озуқ олади. Бу материалнинг устидан ҳам томчилаб суғориш усулида ишлатиладиган шлангалар ўтган. Дастлабки натижалар помидор ва бодринг экини бу материал устида тез ва соғлом ривожланишини кўрсатмоқда. Энг муҳими ҳар иккала усулда ҳам ортиқча харажатларга йўл қўйилмаяпти.

— Биз ишни бошлашдан олдин икки гектар ердаги теплицани реконструкция қилдик, — деди Ю. Лихоносов. — Ён томонлардаги ситиш мосламаларини ерга ётқиздик. Бундан мақсад экин остидан қанчалик иссиқликни кўп олса, шунчалик тез амал олади. Хуллас, бу 2 гектар ерни тўлиқ мослаштириш учун 200 минг сўмга яқин пул сарфладик. Бу пулни қарзга олдик. Мақсадимиз йил охирига бориб камида 600 минг сўм даромад қилиш. Бунинг учун барча имкониятлар бор. Ҳозирча кооперативда бор-йўғи 5—6 киши меҳнат қилаяпмиз.

Йиғилиш қатнашчиларидан шундай савол тушди.

— Бу тажрибани кенг оммалаштирилса, кутилган самара беришига ишонасизми?

— Биринчи галда бу усулда иш юритиш учун кадрлар тайёрлаш керак. Албатта, томчилаб суғоришга барча теплицаларни бирдан ўтказиш қийин. Лекин бу усулга ўтсак, теплицалар ҳосилдорлиги кўтарилишига ишонаман.

Йиғилишда шундай факт келтирилди. Болтиқбўйи республикаларида 24 гектар ердаги теплицадан 6 миллион сўм даромад қилинмоқда. Ваҳоланки, 1-Тошкент теплица комбинатида ҳам 23,5 гектар «Ойнаванд дала» бор. Бу теплица давлатдан 1 миллион 800 минг сўм қарз. Ҳосилдорлик 7—8 килограммдан ошмаяпти. Албатта, бу пул асосан комбинатни реконструкция қилишга сарфланган. Лекин қарздан тезроқ қутулиш йўлларини излаш керак. Бунинг ягона йўли сарф-харажатни камайтириб, ҳосилдорликни оширишдир. Бошқа республикалардаги теплицаларда бир марта экилган экиндан ўн бир ойгача маҳсулот олинмоқда. Бизнинг хўжаликларимизда бу муддат беш-олти ойдан ошмаяпти. «Юрмалак» кооперативи раиси камида битта экиндан 9—10 ой маҳсулот олишга эришишимиз керак, деди. Бунинг учун теплицаларга тепа қисмидан салқин ҳаво берувчи мосламалар ўрнатиш лозим. Агар бу усул яхши самара берадиган бўлса, тезроқ амалга ошириш керак, деб ўйлаймиз.

— Бу усулнинг моҳияти сув, ўғит сарфини 50 процентгача қисқартиради,— деди сўзга чиққан Республика сабзавотчилик ва картошкачилик илмий-текшириш институти бўлими мудири профессор Н. С. Бокурас.— Яна бир қулайлиги бу усулда ёмон, ишдан чиққан тупроқли майдонларда ҳам маҳсулот олиш мумкин. Ҳатто шаҳардаги саноат корхоналари ҳам теплицалар қуриб ана шу усулни қўлланиб, хоҳлаганча маҳсулот етиштириш имкониятига эгадирлар. Ҳозирги кунда янги усулни очиқ майдонларда ҳам қўлланишни режалаяпмиз.

Энди аҳолини қиш даврида маҳсулот билан таъминлаш масаласига келсак. Агар қувватидан тўлиқ фойдаланилса, 10 гектар теплица билан 500 минг аҳолини бемалол сархил маҳсулотлар билан таъминлаш мумкин. Бошқача изоҳлаганда 1 гектар теплица 500 минг сўм даромад бериши керак. Афсуски, Тошкент областида 150 гектар ерда теплица бўлгани ҳолда улардан мутлақо қониқарсиз фойдаланилмоқда. Иссиқ етишмаяпти, илғор тажрибалар оммалаштирилмаяпти. Малакали кадрлар ҳалигача кам тайёрланмоқда. Ҳозирги кунда партия ташкилотлари колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан чорвачилик, пахтачилик ва бошқа тармоқлар бўйича ҳисобот талаб қилишяпти. Аммо теплицалар эътибордан четда қоляпти.

Шу куни Тошкент шаҳри районлари билан сабзавотчилар ўртасидаги ўзаро алоқани, муносабатни яхшилаш бўйича амалий фикрлар айтилди. 1989 йилдан бошлаб ҳар бир шаҳардаги район махсус сабзавот етиштирувчи хўжалик ва районга бириктириб қўйилди. Олдиндан тузилган шартнома бўйича шаҳарликларга зарур миқдордаги маҳсулотни жўнатиш колхоз ва совхозларнинг зиммасига юклатилади.

Бу йил областимизда амалга оширилаётган муҳим тадбирлардан яна бири айрим хўжаликларни йирик саноат шаҳарлари ихтиёрига бериб қўйилишидир. Бу ишни биринчи бўлиб ангренликлар бошлаб бердилар. Улар Оҳангарон районидаги 3 та — Серго номли, «Ангрен», «Октябрь» совхозларини беришни сўрашмоқда. Бу хўжаликларда етиштириладиган маҳсулотлар тўла равишда шаҳар аҳолисига сотилади. Ўз навбатида шаҳарликлар бу совхозларга барча зарур ёрдамларни кўрсатадилар. Бундан ташқари шаҳарликлар учун 7 мингга томорқа участкаси ҳам ажратиш кўзда тутилмоқда.

— Биз ҳам ангренликлар ташаббусини тўла қўллаб-қувватлаб, Бекобод районидаги «Ленинград» ва «Авангард» совхозларини оталиққа олишга қарор қилдик,— деди сўзга чиққан Бекобод шаҳар ижроия комитети раиси Д. Қодиров.— Бу хўжаликларда социал масалаларни ҳал қилишга бажонидил ёрдам кўрсатамиз. Шу йилиёқ «Ленинград» совхозида 6 гектар ерда теплица қурмоқчимиз. Хуллас, шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш бўйича изланишларни давом эттирмоқдамиз.

Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Д. Азизхўжаев чирчиқликлар Бўстонлиқ районидан иккита, Оржоникидзе районидан бир хўжаликни оталиққа олиш бўйича тадбирлар белгилашганлигини маълум қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, областимиз шаҳарларига бириктирилган хўжаликларда етиштирилган бирон килограмм маҳсулот четга, ҳатто Иттифоқ фондига ҳам чиқарилмайди: фақатгина оталиқ корхона ва ташкилотлари ишчи-хизматчилари эҳтиёжини қондиришга сарфланади.

Йиғилишда таъкидланганидек, областимиз ва Тошкент шаҳри аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда амалий ишлар бошланди. Энди ҳамма гап белгиланган тадбирларни охиригача бажариб бу масалани ҳал этишда қолди.

Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, область партия комитетининг секретари С. Д. Сайдалиев, область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, область агросаноат комитети раиси Н. И. Гусаков ўртоқлар қатнашдилар.

Ф. МУҲИДДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

• *Теплицада янги усул*
• Сарф—харажат 7–8 баравар камайяпти
• *Даромад 600 минг сўмга етади*

СУРАТДА: 1-Тошкент теплица комбинати «Юрмалак» қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативи раиси Ю. Т. Лихоносов.

М. Назаров фотоси.

ДЕЛЕГАТ БОШЛИҚ БРИГАДАДА

XIX БУТУНИТТИФОҚ партия конференциясининг делегати Манзират Тўйчиева бошчилик қилаётган бригада соҳибкорлари Паркент районидаги «Паркент» совхозида биринчи бўлиб меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули асосида иш юритишга ўтди. Янги усул бригадада меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, энг муҳими ҳосилдорликни кўтариш имконини берди. Ўтган йили бу коллектив аъзолари ҳар гектар ердан пландаги 90 центнер ўрнига 120 центнердан узум ҳосили олишди. Бригаданинг Адаш Мирзабоев, Умарқул Қўчқоров, Зайли Орипов, Тошбуви Оролова сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган оилавий звено боғбонлари эришган натижалар бундан ҳам юқори бўлди.

Умуман «Паркент» совхозида 1988 йилда бир қатор ўзгаришлар юз берди. Конференция делегатининг ташаббуси билан хўжаликнинг ўзида маҳсулотларни қайта ишлаш, турли шарбатлар, салқин ичимликлар тайёрлаш кенгайди. Бугунги кунда узум, олма, шафтоли шарбатларидан турли ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу йил совхозда 2 минг тонна шарбатни сақлайдиган омборхона ишга туширилади. Бу шаҳарликларга қишин-ёзин салқин ичимликлар жўнатиш имконини беради. Бундан совхоз ҳам моддий манфаатдор бўлади.

Айни кунларда хўжалик боғларида, токзорларида қишки ишлар авж олдириб юборилган. Бу тадбирларни ўтказишда делегат бошлиқ бригада пешқадамлик қилаяпти.

Қ. СУПИЕВ.

✦ **КАЛИНИН районидаги Свердлов номли совхознинг Искандар Жўраев бошчилик қилаётган теплица хўжалиги деҳқонлари аҳолига қиш фаслида ҳам сабзавот ва кўкатлар етказиб беришда бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Айни кунларда улар шаҳарликларга ошқўқлар, кўк пиёз, редиска ва лимон маҳсулотлари жўнатишмоқда. СУРАТДА: илғор ишчи Маҳбуба Рихснева.**

И. Қаландаров фотоси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

АФҒОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ

✦ КОБУЛ, 17 январь. (ТАСС). Экстремистлар душанба куни Афғонистон пойтахтини яна ўққа тутишди. Шаҳарнинг уй-жой кварталларида портлаган «Ер-Ер» классидаги тўртта ракета беш кишининг умрига зомин бўлди, саккиз киши жароҳатланди.

Ўтган кеча-кундузда Нангарҳор, Қандаҳор, Ҳирот, Пактиё, Парвон вилоятларида ҳукумат қўшинлари бўлинмалари билан оппозиция отрядлари ўртасида қаттиқ жанглар бўлди. Бахтар агентлигининг хабарига қараганда, исёнчилар ўлганлар ва яралорлар бўлиб, юзлаб кишисидан айрилди.

Мамлакатнинг турли районларида оппозициянинг бир-бирига қарши курашаётган отрядлари ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Ҳирот, Кобул, Фарёб ва Забул вилоятларида қонли тўқнашувлар оқибатида 64 нафар экстремист ўлдирилган.

Республика ҳукумати мураккаб вазиятга қарамай, Кобул аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур товарлар билан таъминлаш масалаларига катта аҳамият бермоқда. Кеча Саланг довони орқали озиқ-овқат ортилган навбатдаги колонна етиб келди.

АРМАНИСТОНГА ХАЛҚАРО ЁРДАМ КАМПАНИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

✦ ПРАГА. Прагадаги спорт саройида 160 дан ортиқ артист иштирокида саккиз соатлик рок-музика концерти бўлиб ўтди. Концертдан тушган бутун маблағ зилзила жабрдийдаларига ёрдам фондига ўтказилди. Январь ойининг охирида яна икки марта ана шундай концерт бериш мўлжалланган. Бу концертлардан тушадиган маблағ ҳам Арманистонга ёрдам тариқасида берилади. ЧССР халқ артисти Карел Готт журналистларга шундай деди: зилзила сингари ҳалокат тўғрисида гап борганида одам бундай офат қайси мамлакатда рўй берганлигидан қатъи назар ёрдам бериш эҳтиёжини ҳис этади. Арманистон менинг чет эллардаги дастлабки гастролларим ўтган жой бўлганлиги учун ҳам бу диёр қалбимга яна ҳам яқиндир.

✦ **ХАНОЙ. Арманистонда рўй берган даҳшатли фожиа, деб ёзади «Куан дой нян зан» газетаси, жаҳондаги, жумладан Вьетнамдаги бирорта кишини ҳам бефарқ қолдирмади. Зилзила тўғрисидаги хабар олинган дастлабки кунларданоқ, ВСРда жабрдийдаларга ёрдам фондига маблағ тўплаш кенг авж олдириб юборилди. Шу вақт ичида меҳнат коллективлари социалистик шанбаликлар, иш вақтидан ташқари ишлаш чоғида топилган ва бир кунлик иш ҳақини ўтказиш натижасида юз миллионлаб донг маблағ топширилди. Бу ҳаракатда кўплаб жамоат ташкилотлари, ижодий ташкилотлар, Вьетнам халқ армиясининг жангчилари, деҳқонлар ҳам фаол қатнашмоқдалар.**

✦ **ВАШИНГТОН. Душанба куни «Тернер бродкастинг систем» корпорациясининг вакили СССРнинг АҚШдаги элчихонасига Арманистондаги зилзила жабрдийдаларига ёрдам тариқасида 50 минг доллар чек топширди. Бу маблағни корпорацияга қарашли Си-эн-эн телекомпанияси каналлари орқали Арманистондан олинган репортажларни кўрган америкаликлар тўпладилар. Телекомпания ўз эшиттиришлари давомида томошабинларга мурожаат қилиб, уларни жабрдийдаларга ёрдам беришга даъват этди. Бу даъватга минглаб америкаликлар муносиб жавоб қайтардилар.**

СССРнинг АҚШдаги элчиси Ю. В. Дубинин корпорация вакилига мурожаат қилиб, бу олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшган барча телетомошабинларга самимий миннатдорчилик билдиришни илтимос қилди. У америкаликларнинг жабрдийдаларга ёрдам беришда оммавий қатнашаётганлиги иккала мамлакат халқлари манфаатлари йўлида муваффақиятли ривожланаётган Совет — Америка муносабатларидаги янгича руҳнинг ўзига хос ифодаси эканлигини таъкидлади.

✦ ВЕНА. Австриянинг энг йирик газеталаридан бири — «Курир» газетаси Ленинакан районларидан бирида қурилиши керак бўлган уй-жойлар комплекси — «Австрия қишлоғи» тасвирини эълон қилди. Ҳалокат рўй берганидан кейиноқ редакциянинг ташаббуси билан ана шу қурилишга маблағ тўплаш бошланди. Маблағ узлуксиз келиб турибди. 50 та уй-жой биноси қуриш учун пул тўплаш вазифаси қўйилган. Ҳозирги вақтда 43 та уй қуриш учун етадиган маблағ тўпланди. «Арманистонда Австрия қишлоғи» фондининг банк счётига якка тартибда юборилаётганидан ташқари турли бирлашмалар ва ташкилотлардан ҳам хайриялар келиб турибди.

✦ **ХЕЛЬСИНКИ. Бу ерда хайрия концерти берилди. Концертдан тушган маблағ Арманистонга ёрдам фондига топширилди. Зўр муваффақият билан ўтган концертда Финляндия рақс театри, миллий балетининг артистлари иштирок этдилар. Финляндия Қизил Крест жамияти раҳбариятининг вакили Илкка Ууситалo «Савой» театрида концерт бошланишидан олдин сўзга чиқиб, Арманистонда рўй берган даҳшатли фожиали воқеалар тўғрисида гапирди. Финляндия Қизил Крест жамияти зилзила тўғрисидаги хабарни олиши билан-оқ, деди у, офат рўй берган районларга медицина ускуналари, дори-дармон, боғлаш воситалари юборди. Ҳозирги вақтда кучғайрат тиклаш ишларида ёрдам беришга қаратилган. Тиклаш ишлари келгусида ҳам халқаро ёрдамга муҳтождир.**

✦ РИМ. Италиядаги энг йирик «Репубблика» газетаси Франциянинг «Монд» ва Испаниянинг «Паис» газеталари билан биргаликда зилзила жабрдийдаларига ёрдам фондига маблағ тўплаш ташаббуси билан чиқди. Газетанинг хабар беришича, махсус банк счётига ҳозирнинг ўзидаёқ икки ярим миллиард лира пул тушди.

✦ **ЯУНДЕ. Экваториал Гвинея Республикасининг халқи Арманистон аҳолисига беғараз ёрдам берди. Африкадаги ана шу давлат пойтахти — Малабодан хабар берилишича, аэрофлот рейси билан Москвага 10 тоннадан ортиқ қакао, кофе, банан, ананас, кокос, ерёнғоқ ва маккажўхори юборилди.**

(17 январь, ТАСС).

БАНК ХИЗМАТЧИЛАРИ ИШ ТАШЛАШМОҚДА

✦ ПАРИЖ, 17 январь. (ТАСС). Иш билан банд бўлиш кафолати, ҳозирги турмуш даражасини сақлаб қолиш — асосий касаба союзлар бирлашмаси чақириғига биноан бугун 24 соатлик ялпи иш ташлаш ўтказаётган банк хизматчиларининг асосий талаблари ана шулардан иборат.

Банк операциялари муҳосара қилиниб, нақд пул берувчи ва валюта алмаштирувчи кўплаб кассалар ёпиб қўйилган. Иш ташловчилар бош ассамблеяси қатнашчиларининг бу ерда тарқатилган баёнотида таъкидланишича, банк операциялари компьютерлаштирилиши муносабати билан ходимларни қисқартириш режасидан меҳнаткашлар қонуний хавотирга тушишмоқда, чунки бу хизматчиларни кўплаб ишдан бўшатишга олиб келади.

КПСС Марказий Комитетида

«А. А. ЖДАНОВ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚИЙ АКТЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»

Партия ва совет органларига, оммавий ахборот воситаларига А. А. Жданов хотирасини абадийлаштирувчи ҳуқуқий актларни бекор қилиш тўғрисида меҳнаткашлардан жуда кўп таклифлар тушмоқда. КПСС Марказий Комитети бу масалани муфассал ўрганиб чиқиб, тегишли қарор қабул қилди.

А. А. Жданов 30—40-йилларда мутлақо айбсиз совет гражданларига нисбатан оммавий репрессияларнинг ташкилотчиларидан бири эканлиги аниқланди. У ўша даврда йўл қўйилган жиноий ҳаракатлар, социалистик қонунни бузиш учун жавобгардир.

Ана шулардан келиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети қуйидаги таклифларни киритди:

СССР Олий Совети Президиумига — СССР Олий Совети Президиумининг Иркутск давлат университетига, инженерлик қўшинлари олий инженерлар билим юртига ва Полтава локомотив ремонт заводига А. А. Жданов номини бериш тўғрисидаги 1939 йил 19 февраль, 1939 йил 31 март ва 1949 йил 25 ноябрда чиқарган фармонларини бекор қилиш ҳақида;

СССР Министрлар Советига — ҳукуматнинг А. А. Жданов номини абадийлаштириш, жумладан, Мариуполь шаҳрига ва Ленинград давлат университетига А. А. Жданов номини бериш ҳақида 1948 йил 22 октябрда чиқарган 3956-сонли ва 1950 йил 18 июнда чиқарган 9424-сонли қарорларини бекор қилиш тўғрисида;

Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумлари ва Министрлар Советлари ҳамда бошқа маҳаллий ҳокимият органларига — А. А. Жданов хотирасини абадийлаштириш, шаҳарларга, районларга, посёлкаларга, кўчаларга, корхоналарга, колхозларга, ҳарбий қисмларга, мактабларга, техникумларга, ҳунар-техника билим юртларига ҳамда республикалар, ўлкалар ва областлар территориясида жойлашган бошқа муассасалар ва ташкилотларга унинг номини бериш билан боғлиқ бўлган фармонлари ва қарорларини бекор қилиш ҳақида таклифлар киритди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ область прокуратура органлари ҳал эта оладиган ҳуқуқий масалаларда савол ва аризалари бўлган гражданлар 1989 йил 24 январь куни соат 10 дан 13 гача 78-95-20 рақамли телефон орқали область прокуратурасига мурожаат қилишлари мумкин.

Гражданларни телефон орқали Тошкент область прокурори А. М. Маннонов қабул қилади.

• ТЎЛА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА ЎТИШ ЙЎЛИДА

«ҚОЛОҚЛИКДАН ЧИҚДИК, ЛЕКИН КЎНГЛИМИЗ ТЎЛМАДИ»

«ЎРТОҚ» кондитер фабрикаси узоқ йиллар давомида қолоқ корхоналар қаторида бўлди. Унда ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари муттасил уддаланмади. Оқибатда буюртмалар вақтида бажарилмади, манфаатдорлик сусайди, меҳнат интизоми бўшашиб кетди, кадрлар қўнимсизлиги кучайди. Ўтган йили эса кескин бурилиш ясалди. Коллектив деярли ўн йиллик қолоқликдан халос бўлди. Давлат плани ҳатто ортиғи билан бажарилди. Бир йилда шундай кескин силжишнинг омиллари нимада? Яна қандай муаммолар бор? Мухбиримиз М. **Мирҳамидовнинг** фабрика директори **Мухтор Қаюмович ИКРОМОВ** билан суҳбати шу хусусда бўлди.

— Мухтор Қаюмович, қисқа вақт ичида коллектив фаолиятида содир бўлган бундай силжишнинг омиллари ҳақида гапириб берсангиз?

— Бундай омиллар анчагина. Аввало ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларини ишчан мутахассис кадрлар билан мустаҳкамланганлигини айтиб ўтиш керак. Йўқ, биз ҳамма раҳбарларни тўла алмаштириш йўлидан боргани йўқ. Ниҳоятда зарурат туғилганда шундай қилишга мажбур бўлдик. Асосий ишлаб чиқариш бўғинларини кадрлар билан комплектладик. Ишбилармон, уддабурон қандолатчилар ўрта бўғин раҳбарлиги лавозимларига тайинланди.

Яна бир муҳим омилни ҳамма жараёнларда ишлаб чиқариш технологиясига қатъий амал қилиш кучайганлигида деб биламан. Илгариги вақтлардаги каби хоҳ асосли, хоҳ асоссиз равишда технология режимидан четга оғишлар ҳали тўла бўлмаса ҳам кескин барҳам топди. Ишчи-хизматчиларни моддий-маънавий рағбатлантириш тартиби қайта кўриб чиқилди. Иш сифати ва тежамкорлик унинг асосий негизлари қилиб белгиланди. Мавжуд машина-ускуналар қарови яхшиланди. Ҳар бири учун масъул слесарлар, механиклар биркитилди. Бу эскириб қолган асбоб-ускуналардан ҳам фойдаланиш коэффициентини оширди. Ишчи-хизматчиларнинг малакасини ошириш юзасидан ҳам муайян ишлар қилинди. Натижада меҳнат унумдорлиги ҳам, маҳсулот сифати ҳам ортди, айни вақтда таннарх камайди. Энг муҳими маҳсулотлар буюртмачиларга вақтида ва белгиланган миқдорда етказиб бериб турилди. Маҳсулот сифатига норозилик хатлари бир неча баравар камайди. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи ошиб, 176 сўмга етди.

— Ўтган хўжалик йилининг якунлари қандай бўлди.

— Коллективимиз давлат планини барча асосий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарди. Умуман бутун йил давомида бир маромда ишладик. Топшириқлар ой сайин тўла ва ошириб бажарилаверди. Бу коллектив куч-ғайратини авж олдиришга олиб келди. Ахир буюртмачилар олдида юз ёруғ бўлишига нима етсин! Улардан қарздор бўлиш эса катта иқтисодий зарар келтиради. Коллектив учун буюртмани уддаламай жарима тўлашдан ёмони йўқ. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ўнларча минг сўмлик пулни фойдасиз совуриш кимга ҳам ёқади дейсиз. Биз шундан деярли халос бўлдик.

Энг асосий кўрсаткич — маҳсулотни буюртма асосида етказиб бериш топшириғи ортиғи билан адо этилди. Ҳеч қайси бир буюртмачидан қарз бўлиб қолмадик. Планга қўшимча реализация қилинган ширинликларнинг жами ҳажми 450 тоннадан кўпроқни ташкил этди. Ҳаммаси бўлиб йигирма тўрт минг тонна атрофида кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Фойда олишда ҳам силжиш бўлди. Корхонамизнинг рентабеллик даражаси ўн процентни ташкил этди. Бу планда назарда тутилганидан кам эмас. Ўтган йилнинг ўн ойида топшириқдагидан ташқари 67 минг сўм фойда кўрилди. Илгари фойданинг анчагина қисми жарима сифатида буюртмачиларга тўлаб юборилади. Бунинг учун маблағнинг бошқа манбаи йўқ эди.

Бир маромда ишлаш туфайли жарима тўлаш бир неча баравар камайди. Фикримнинг далили учун мисол келтиришим мумкин. Масалан, 1986 йилда тўланган жарима миқдори 118 минг сўмга етди. Аввалги йили кескин камайиб 31 минг сўмга тушди. Ўн иккинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида эса бор-йўғи 13 минг сўм бўлди. Бироқ бу ҳам пул, пул бўлганда ҳам каттагина. Бу бизнинг ишдаги эски усуллардан ҳамон тўла халос бўлолмаганлигимизнинг бир кўринишидир. Агар бироз уддабурронлик қилиб уни тежаб қолсак қорнимизни оғритмасди, албатта. Дурустгина наф кўрган бўлардик. Вагонларда келтирилган юкларни вақтида тушириб олмаслик туфайли тўланадиган жарима бир йилда икки марта қисқарган бўлса ҳам тўла бартараф этилгани йўқ.

— Фабрикада тайёрланаётган маҳсулот турлари кўпаймоқдами, қандай янги хилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди?

— Бу соҳада ҳам муайян ишлар қилинди, лекин улардан кўнглимиз тўлгани йўқ. Ўтган йили ўн уч турдаги янги ширинлик тури меҳнаткашлар дастурхонига тортиқ қилина бошлади. Ўзимиз ҳам мустақил равишда қандолат маҳсулотларининг янги хилларини яратиш билан шуғулландик.

Мутахассисларимиз тўрт хил ширинлик составини тайёрладилар. Биз бунда маҳаллий хом ашёдан фойдаланишни назарда тутдик. Чунки кейинги вақтларда корхонамиз эҳтиёжлари учун ёнғоқ-мағиз, какао, сут маҳсулотлари етказиб бериш камайди. Оқибатда улардан хом ашё сифатида фойдаланиб тайёрланадиган ширинликлар озаймоқда. Танқислик эса якин йиллар ичида йўқолишига ишонч йўқ. Шунинг учун маҳаллий хом ашёга кўпроқ суянишга мажбур ҳам бўлинмоқда.

Эндиликда бизга ўрик, олхўри, олма пюреси, баргак, қовун қоқиси ва шу каби республикамизда «тўлиб-тошиб» ётган хом ашё керак. Бу сўзни тирноқ ичига олишимнинг сабаби бор. Аслида шундай бўлиши керак. Афсуски ишинг тушганда билар экансан аҳволни. Ҳатто олма пюресига танқислик кучаймоқда. Илгари бошқа республикалардан келтирилар эди. Энди камайиб қолди, ўзимизда эса етарли тайёрланмайди. Бизга бундай хом ашёмасалада ҳам меҳнат коллективига мустақиллик бериш керак. Масалан, биз фабрикада кооператив очиб, шундай хом ашёларни тайёрлашимиз мумкин. Бунинг учун бевосита колхоз-совхозлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади. Хўжаликлар хом ашёни албатта нисбатан қимматроққа сотади, бу маҳсулотимиз таннархини оширади. Унга нарх қўйишда шу ҳисобга олиниши лозим.

Биз республика Агросаноат комитетининг 1987 йил 29 октябрдаги қарорига мувофиқ кооператив тузган эдик. Бироқ унга айрим хом ашёларни фабрикамиз фондидан бериб хато қилган эканмиз. Бизни вақтида огоҳлантириб, тартибга солишди. Кооперативни ёпдик. Лекин умуман кооператив тузишга эҳтиёж сезаяпмиз. Бу масала ҳал қилинса айни муддао бўларди.

— Фабрикада ташмачиликка қарши қандай кураш бормоқда?

— Бу иллатга қарши кураш кескин кучайди. Биз, аввало, ягона халқ назорати ташкил қилдик. Бунинг учун битта штат ажратдик. Албатта, бир киши ташмачиликка қарши қурашнинг уддасидан чиқиши жуда мушкул. Унга ёрдамчилар белгиладик. Техника назорати бўлими, ҳар бир цех ишчи-хизматчилари унга кўмаклашади. Бундай ёрдамчилар ҳар куни тайинланади. Бунинг учун ойлик график тузилган. Ким қачон навбатчилик қилишини билади. Улар фақатгина назорат қилмай тушунтириш ишларини ҳам олиб борадилар.

Ташмачиликда айбланган ҳар бир ходим моддий ва маънавий жазоланади. Аввало у коллектив ўртасида шарманда қилинади, номи цех ва фабрикага кириш йўлакларидаги «Ўят тахтаси»га ёзиб қўйилади. Ўртоқлик судида муҳокама қилинади. Мукофотдан, имтиёзлардан маҳрум бўлади. Отпускаси ноқулай вақтга сурилади Ҳатто ташмачи аъзо бўлган бригада ҳам мукофотдан айрилади. Шу сабабли бригада коллективининг ўзи ишчи номига доғ туширувчиларга қарши қатъий курашади.

Бу чораларнинг нафини амалда кўриб турибмиз. Ташмачилар сони йилдан-йилга камаймоқда. Масалан, 1986 йилда 236 та шундай кўнгилсиз воқеа содир бўлган эди. Унда 2597 сўмлик ширинликлар қайтарилганди. Кейинги йили 161 тага тушиб, 1252 сўмлик маҳсулот ушлаб қолинди. Ўтган йилнинг ўн ойида 65 та ташмачи шарманда қилинди. Лекин ўтмиш иллатини бутунлай йўқотмагунча тинчимаймиз.

Шу мақсадда ўтган яна бир тадбирни қўлладик. Ҳар ойнинг маълум кунида байрамлар арафасида коллективимиз аъзолари учун ширинликлар савдоси уюштираяпмиз. Унда ким нима истаса харид қилаверади. Биз қандолатчиларимизга ширинликларни улгуржи нархда сотиш масаласини ҳал қилмоқчимиз. Хўжалик ҳисоби асосида ишлай бошлаганимиздан кейин шундай бўлади.

— Маълумки, ҳали ҳам ширинликларнинг анчагина қисми қардош республикалардан келтирилмоқда. Бу ортиқча харажатга сабаб бўлаяпти. Ҳар ҳолда ўзингдан кўпроқ чиққани яхши-да. Шу нуқтан назардан фабрикани кенгайтириш масаласи қўйилганми? Унда маҳсулот тайёрлаш кўпаядими?

— Истиқбол режаларимиз ҳам бор. Фабрикамиз бундан олтмиш беш йил илгари қурилганда. Ўшандан бери ширинликлар ишлаб чиқариш тўрт баравар кўпайди. Юқорида айтганимдек, биргина ўтган йили 24 минг тоннага яқин маҳсулот реализация қилинди. Бу йилги мўлжалимиз ҳам шунча. Ҳозирги шароитда шунча маҳсулот тайёрлаш анча қийин. Фабриканинг ишлаб чиқариш қуввати бунга имкон бериши мумкин. Ҳозирги икки сменалик иш жараёнида у 87 процент даражада фойдаланиляпти. Бунинг сабаби бошқа; ишлаб чиқариш корпуси ва инженерлик таъминоти 14 минг тонна маҳсулот беришга мўлжалланган. Жумладан, қозонхона, компрессор станцияси, электр кичик станциялари ва бошқа шу каби иншоотлар қуввати билан бундан ортиқ маҳсулот тайёрлаш ҳисобга олинмаган.

Бунинг устига асбоб-ускуналарнинг аксарияти эски. Ҳатто бундан 15—20 йил илгари ишлаб чиқарилган, ҳозирги технологияга жавоб беролмайдиганлари ҳам фойдаланилмоқда. Улар тез-тез бузилиб туради, ортиқча оворагарчилик, сарф-харажатга сабаб бўлади.

Сергелида фабрика филиалини қуриш назарда тутилмоқда. Ўтган йилдан инженерлик тармоғини реконструкция қилишга киришилди. Бироқ унинг бориши ҳозирданоқ катта ташвиш туғдирмоқда. Жуда сust кетаяпти. Масалан, қозонхона бу йилнинг биринчи ярмида ишга тушиши керак. Аммо уни қуриш белгиланган муддатидан ярим йил кеч бошланди. Қурилиш-монтаж ишлари учун ажратилган 466 минг сўмнинг 10 процентдан сал ортиқроғи ўзлаштирилди. Бошқа иншоотлар қурилишига ҳали киришилгани ҳам йўқ. Фақат хандақлар қазилмоқда. Буюртмачи — республика Агросаноат комитетининг Тошкентдаги қурилаётган объектлар бирлашган дирекцияси (директори А. М. Дачевич) ва пудратчи —452-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна (бошлиғи В. Г. Кан) фабрикамиз реконструкциясига муносабатларини тубдан ўзгартиришлари керак. Қайта ишлаш саноати муаммоларини тезроқ ҳал қилиш эҳтиёжи шуни талаб қилмоқда.

М. МИРҲАМИДОВ.

• ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ МУАММОЛАРИ •

ЎҒРИЛИК, ЖАЗО, НАТИЖА...

Ижрокомнинг навбатдаги мажлисида область агросаноат комитетининг қайта ишлаш саноати корхоналарида турли ўғирлик ва хўжасизликка қарши курашни кучайтириш соҳасидаги иши муҳокама қилинди.

АҲВОЛНИ тушуниб олиш учун аввало факт ва рақамларнинг асосийларини (улар қоғозда жуда кўп) кўздан кечирайлик. 1988 йилнинг 9 ойи давомида (қаранг, шу пайтгача йиллик якун чиқарилмабди) агросаноат корхоналарида жами 635 марта ғаразли мақсадларда жиноят содир қилиниб, текин даромад сифатида 566,2 минг сўм пул ўзлаштирилган. Шундан 250,6 минг сўми ундириб олиниб, 315 минг сўмдан кўпроғига эса чув тушиб қолинди. Қўшиб ёзиш ва ҳисоботларни атайлаб чалкаштириш йўли билан салкам 37 минг сўмлик зарар келтирилди. Мажбурият шартларини бажармаслик оқибатида мажбуран бўладиган, яъни ишлаб чиқаришга алоқаси йўқ икки йиллик сарф-харажат 20 миллион сўмдан ошиб кетди.

Агросаноат комплекси корхоналарида майда ўғирлик, ташмачилик илгаригидек давом этаяпти. Қоровуллар уларга қарши илгари қандай курашган бўлсалар ҳозир ҳам шундай курашяптилар. Давлат ва жамоат мулки худди илгаригидек килограммлаб, литрлаб, доналаб ташиб, ўғирлаб кетиляпти. Қўлга тушганларга илгари қандай чора кўрилган бўлса, ҳозир ҳам шундай чора кўриляпти. Яъни биринчи марта ушланганларга жарима солинади. Иккинчи марта қўлга тушиб қолса... ўз аризаси билан (?) ишдан бўшатилади. Кейин у бошқа корхонага ишга жойлашиб, ўғриликни давом эттираверади.

Жавобгарлик шу даражага етганки, Тошкент гўшт комбинатига алоқаси бўлмаган, мутлақо бегона кишилар цехга бемалол кириб, 420 килограмм гўштни ўмариб чиқишган. Хўш, бунинг учун кимни айблаш керак? Ҳар ҳолда комбинат маъмурияти ўзини айбдор ҳисобламайди. «Нега энди биз жавоб беришимиз керак, — дейишади улар, — бу область ички ишлар бошқармасининг қоровуллик бўлинмаси вазифаси-ку». Хуллас, ҳамма ўзини олиб қочади: ким жавоб берса беравер-син, фақат у эмас.

Майда ўғирлик, ташмачиликдан ташқари бошқачароқ, ўғирликлар йўқми? Масалан, гўшт ва сут маҳсулотлари комбинатларидан юк ортган машиналар кетма-кет чиқиб туради. Улардаги юкнинг ҳаммаси ҳужжатлими? Йўқ, ҳужжатсизлари ҳам бўлар экан. Область ички ишлар бошқармасининг махсус группаси ҳар сафар рейд ўтказганда комбинат дарвозаларидан чиқаётган машиналардан магазин пештахталарида бўлмайдиган, оддий харидорлар (яъни меҳнаткашлар), умуман кўрмайдиган тансиқ маҳсулотлар топилади. Лекин рейдлар аҳён-аҳёнда бир ўтказилади-ку? Бошқа маҳал дарвозадан чиқадиган машиналарни ким текширади? Ичидаги тансиқ маҳсулотлар кимларга аталган?

ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Бундай саволларга жавоб ўрнига мажлисда ғалати бир таклиф ўртага ташланди: қоровулликка пенсионер кексалар ва ишга яроқсиз ногиронлар ўрнига милиция ходимлари қўйилса бўлмасмикин? Қўли эгрилар, ташмачилар милиция ходимларининг кийимларидан ҳайиқишиб, ўғирлик қилмай қўярмидилар? Хуллас, бу масаланинг яхши-ёмон, фойдазарар томонлари ўрганиб чиқиладиган ва шунга қараб бирор чора кўриладиган бўлди.

Аслида-ку, назоратчи оз эмас, лекин натижаси бўлмаяпти. Ревизиялар юзаки ўтказилади, ревизорлар кўнгилчанлик қилишади. Халқ дружиначилари, ўртоқлик судлари ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг эса тайин-таъсири йўқ. Бунинг устига қози муттаҳам бўлса додингни кимга айтасан, деганларидек, қилинмаган ревизияни қилинди, деб ёзиб, ҳисоботларни атайлаб чалкаштирадиган одат чиқаришибди. Агар ревизия амалда эмас, қоғозда бўлса, натижаси ҳам маълум, албатта...

Вазиятни тасаввур қилиш учун шу факт-рақамлар етарли бўлса керак. Энди бу камчилик ва нуқсонларни қандай йўл билан бартараф этиш мумкин, деган масалага ўтса бўлади. Аммо ижроком мажлисида шу ҳақда ҳисобот берган область агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Воронов эски касал, яъни мавжуд нуқсонларни санаб беришдан нарига ўтмади. Ўғирлик, хўжасизлик, қўшиб ёзиш, текин даромад ва бошқа иллатларнинг камаймаётганлиги сабабларини таҳлил қилмади. Контрол-ревизия хизматининг қониқарсиз эканлигини таъкидладию, аммо ижроком аъзоларидан бирининг бу соҳа ишини қандай қайта қурмоқчисизлар, дея берган саволига аниқ жавоб қайтармади.

Ўғри ва ташмачилардан тащқари, бу иллатлар камаймаётган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам жазоланаяптими? Ҳа, жазоланаяпти. Чунончи, область агросаноат комитети раисининг қатор ўринбосарлари А. Воронов, Ш. Мусаев, С. Исломов, Ҳ. Ҳусаинов, Ф. Аппазов, бўлим бошлиқлари Д. Юсупов, В. Тулепов, А. Кипаренко, А. Йўлдошевларга маъмурий жазо берилган. Бироқ, аҳвол ўзгармаяпти. Демак, қоғоздаги маъмурий жазонинг таъсири йўқ. Масалан, Янгийўл консерва заводи директори Х. Раҳматиллаев билан Ғазалкентдаги алкоголсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш тажриба-синов заводи директори Э. Аванесовга (умуман фақат шу икки раҳбаргина эмас) ҳеч адашмай бир гал виговор берилади, кейинги гал огоҳлантирилади. Маъмурий жазо шу таҳлит давом этаверади, раҳбарлар жойларида ишлайверадилар. Ўғрилар, ташмачилар ишларини билиб қилаверадилар.

Нега шундай? Бу аҳвол қанча давом этиши мумкин? Бу саволларга область прокурори А. Манноновнинг ижроком мажлисидаги сўзларидан бирмунча тўғри жавоб топса бўлади.

— Биз яна бор камчиликларни санаш билан овора бўлаяпмиз. Бугунги мажлисда тилга олинган камчилик ва нуқсонлар беш йил олдин ҳам бор эди. Ўшанда ҳам аҳвол шундай эди. Агар шундай ишлашда давом этсак, ўзгариш ясамасак, яна беш йилдан кейин ҳам аҳвол шундай бўлади, ўшанда ҳам бугунги камчилик ва нуқсонларни такрорлаймиз...

Аччиқ, аммо начора, тўғри хулоса. Демак, масалага чинакамига ёндашиш, аҳволни бирма-бир таҳлил этиш ва ниҳоят иллатни йўқотиш йўлини топиш пайти келди.

✦ **ТОШКЕНТ экскаватор заводида тайёрланаётган механизмларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашда барча мутахассислар қатори созловчиларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда. СУРАТДА: созловчи слесарлар бригадаси бошлиғи В. Акпербеков ва Р. Ҳамроқуловлар (чапдан ўнгга).**

Т. Каримов фотоси.

• ЧОРВА ҚИШЛОВИ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА? •

КИМНИ АЛДАЯПСИЗ?

ГАПНИНГ очиғи бизнинг Пискент районидаги Тельман номли колхозданг чорвачиликнинг оқсаётганлиги ҳақида берган мақоламиз фойда ўрнига зарар келтиришини сира ўйламаган эдик. Бу ҳақда газетанинг 1988 йил 12 февраль сонида «Мақтанишган эди, бироқ...» сарлавҳали рейд материалида ёзилган эди.

Бу гаплардан газетхон танқид асоссиз, ноўрин бўлган экан-да, деган хулоса чиқариши мумкин. Йўқ, ундай эмас. Колхоздагилар ҳам, район партия комитети, район агросаноат бирлашмаси раҳбарлари ҳам газета чиқишининг тўғрилигини тан олишди. Бу ҳақда 1988 йилнинг октябрь ойида район агросаноат бирлашмаси раисининг чорвачилик ишлари бўйича ўринбосари Ш. Мирзаев ва РАПО қурилиш бўлимининг мудири И. Рустамов ўртоқларнинг имзоси билан расмий жавоб олдик. Гарчанд, районнинг мутасадди раҳбарлари февраль ойида чиққан танқидий мақолага орадан тўққиз ой ўтиб, октябрь ойида жавоб юборганликларига қарамай, уни ўринли, деб ҳисоблаб 10 октябрь сонида эълон қилдик. Ишонинг, редакция икки расмий вакил имзолаган икки қисм, тўққиз банддан иборат бу жавоб хатидаги ҳар бир тадбир бажарилган ва қолгани албатта амалга оширилади, деб ўйлаган эдик. Бироқ ҳаммаси аксинча бўлиб чиқди. Афсуски, биз бундан яқиндагина колхоз фермасида бўлганимиздан кейингина огоҳ бўлдик.

— Тўғрисини айтсам, колхоз чорвачилиги илгари ҳам оқсаган, ҳозир ҳам оқсаяпти,— дейди ферма мудири Ортиқбой Мавлонов. —Бунинг асосий сабаби ҳамон чорвага ўғай кўз билан қаралаётганида. Фермамизда 34 киши меҳнат қилади. Бундан 11 нафари соғувчилар. Менимча, тармоқни қўтариш учун аввало одамларга шароит яратиш керак, шундай эмасми? Бизда бу ҳақда ўйлайдиган киши ҳам йўқ. Фермада чорвадорларнинг оддий дам олишлари учун шароит яратилмаган. Ҳозир ҳамма ерда инсон омилига, социал масалаларга эътибор кучаяётган бир пайтда буни қандай тушуниш керак? Туриб-туриб кишига алам ҳам қилар экан. Нима, биз ўғаймизми?

Энди жавоб хатида 1 октябргача фойдаланишга топширилди, деб қайд қилинган туғруқхона, 60 бош қорамолга қурилаётган бўрдоқихона, бузоқларни совуқ усулда ўстириш учун бўлмалар ва ҳоказолар ҳақида. Бирортаси ҳам битган эмас. Лоақал, мавжуд биноларни қишловга дурустроқ тайёрлай олмади-гу, булар қаёқда дейсиз? Чорвадор ўзидан кўра молига кўпроқ ачинади. Қорамоллар яйратиладиган жойда оддий бостирма, пананинг йўқлиги туфайли жониворлар ёзда 35—40 даража иссиқда, қишда эса қор-ёмғир остида қоляпти. Мана шундай аҳволда гўшт, сутни кўпайтириб бўладими?

Бу ҳақда мутасадди ташкилотларга мурожаат қилмадингларми, демоқчисиз шекилли. Гапиравериб, илтимос қилавериб чарчадик. Ҳар сафар бир хил жавоб. Биламиз, хабардормиз, планда бор, бажарамиз, дейишади. Амалда эса ҳеч ваҳо йўқ. Ҳайронман, раҳбарлар ҳам шунчалик лафсиз бўладими?

— Ҳақиқатни айтиб балога қолдим, — ферма мудирининг гапини давом этди бош зоотехник Деҳқонбой Ҳамроқулов. — Биласизми, сиз газетада ёзганингиздан кейин менга э, асли сен мухбир бўлишинг керак экан, дейишди. Бу ҳам майли, лекин менга газетага юборилган ёлғон жавоб кўпроқ алам қилаяпти. Ахир шунчалик ҳам бўладими? Бизни неча йилдан буён лақиллатиб келишаётгани етмаётгандек энди газетани ҳам алдашибди.

Фермада тўрт йилдан буён зоотехник бўлиб ишлайман. Мана шу даврда бирон бинони ҳам ёлчитиб қуролмадик. Ўтган йили аранг район ижроия комитетидан 72 дона шифер олишга эришдик. Аслида бизнинг қурилишимиз учун 1,5 минг дона шифер зарур эди. Хуллас, фермада аҳвол жуда танг.

Биз шу куни колхоз раиси Султонмурод Қодиров билан ҳам учрашдик. У ҳам дилидаги гапни яшармади, тўғрисини айтди.

— Очиғи сўнгги пайтда ферма деса, кўнглим ғаш бўлаяпти. Айниқса, куз ва қиш ойларида лой-балчиқ кечиб юрган қорамолларга ачинасан. Лекин начора! Аҳволни тузатишга қўлимиз калталик қилаяпти. Ишонинг, мен бу масалада юз-юз эллик марта мутасадди ташкилотларга оғзаки ва ёзма равишда мурожаат этавериб, чарчадим. Аммо ана шундай вазиятда ҳам сигирлар маҳсулдорлигини кўтариб бораётган чорвадорларга минг раҳмат. Агар 1985 йилда мана шу фермада ҳар бош сигирдан бор-йўғи 1250 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, ўтган йили уларнинг маҳсулдорлиги 2900 килограммга етказилди.

Агар бизга қурилиш материалларини ажратиб беришса, ўз кучимиз билан ҳаммасини саранжомлаб олар эдик. Афсуски, бунинг иложи бўлмаяпти. Аммо шунга қарамасдан ўтган йили молиявий қоидани бузиб бўлса ҳам нақд пулга 500 дона шифер олдик. Ҳали бу ишимиз учун ревизорлар олдида жавоб беришимиз керак. Хуллас, бу масалада сўзсиз амалий ёрдамга муҳтожмиз.

Колхоздагиларнинг дарди-ҳасратини эшитиб, РАПО га йўл олдик. Раис Суюн Умаров бу масаладан хабардорлигини, лекин колхоз эҳтиёжини тўлиқ бажариш учун район агросаноат бирлашмасининг қўли калталик қилаётганини айтди. Ўтган йили тўққизта хўжаликда қурилиш ишларини олиб бориш учун бор-йўғи 700 та шифер ажратилибди. Бошқа материаллар ҳам танқис экан. Очиғи, РАПО раисининг берган жавоби бизни қониқтирмади. Ахир район ижроия комитети раисининг биринчи муовини ҳисобланган бу ўртоқнинг қўлидан кўпроқ иш келиши, ҳар ҳолда битта колхоздаги муаммони ҳал қилиш келса керак. Назаримизда ҳафсала, ҳаракат етишмаяпти.

Район агросаноат бирлашмаси раисининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари, редакцияга юборилган расмий жавобга жимжимадор қилиб имзо чеккан Шодимурод Мирзаевнинг гаплари янада ўтиб тушди. У редакцияга юборган жавобингиздаги ҳамма гаплар тўғрими, деган саволимизга бироз ўйлаб туриб, ҳа, тўғри, бунга асосимиз бор. Редакцияга жавобни колхоз правленеси томонидан менга ёзма равишда берилган хатига асосланиб тайёрлаганман, деб жавоб берди.

Ана холос. Колхознинг ўзи кўмакка муҳтож бўлиб турган бир пайтда унинг ўзидан жавоб талаб қилишни қандай тушуниш керак?! Энг ачинарлиси шундаки, Ш. Мирзаев колхозда жавобда келтирилган тадбирларнинг биронтаси бажарилмаганлигини, яқин ўртада амалга ошмаслигини ҳам жуда яхши билади. Лекин редакцияга ҳаммаси жойида, камчиликлар тугатиляпти, дея хат йўллаган.

Ҳозир гап жавобнинг тўғри ёки нотўғрилигида ҳам эмас. Гап Пискент районидаги бир хўжалик фермасининг ночорлиги ҳақида, у ердаги вазиятни тезроқ бартараф этиш устида бораяпти. Биз фермада бўлган кунимиз колхоз қурилиш бригадасининг бошлиғи Турғун Бобоқулов билан ҳам суҳбатлашдик. У фермадаги аҳволни тузатиш учун 600 дона шифер, 20 тонна цемент, 100 квадрат метр ҳажмда ойна ва 15 куб метр қурилиш материаллари, 200 килограмм бўёқ материаллари, 4 тонна темир-бетон (иситиш трубалари ва бостирмалар қилиш учун темир-терсак) зарурлигини ҳисоб-китоб қилиб берди.

Энди ҳақли савол туғилади. Наҳотки, бутун бошли районнинг мутасадди ташкилотлари беш-олти йилдан буён бир колхознинг фермасини тартибга солишга зарур бўлган бу материалларни ажратишда амалий ёрдам бера олмаса. Ҳозирги совуқ кунларда, фермадаги қорамолларнинг аҳволини тасаввур қилиш қийин, албатта. Тўғри, колхознинг қорамолларга бериш учун озуқаси бор. Лекин сигирбузоқлар маҳсулдорлигини фақат ем-хашак билан кўтариб бўлмайди. Жониворга иссиқ бино ҳам зарур.

Хуллас, Тельман номли колхоз чорвадорлари ёрдамга муҳтож. Ўйлаймизки, район партия комитети, район ижроия комитети, район агросаноат бирлашмаси раҳбарлари бу сафарги мақоламизга амалий ва тўғри жавоб берадилар. Фермадаги аҳволни бартараф этадилар.

М. ФАТТОҲОВ,
У. МУҲАМЕДОВ.

• Бир мавзуда иккинчи марта •

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ *материаллари изидан*

«ҲАЙФСАН БЕРИЛГАН ЭМИШ...»

ҒАЛАБА районидаги марказий шифохонада бўлаётган тартибсизликлар ҳақида газетанинг ўтган йил 25 октябрь сонида танқидий мақола босилган эди. Мақолага область шифохонасининг бош врачи К. Шарифбоева, область шифохонасининг бош врач ёрдамчиси Ф. Халилов, область соғлиқни сақлаш бўлимининг бош лаборанти Т. Жукова ва область поликлиникасининг врач педиатори Б. Львовичлардан олинган жавобда мақолада кўрсатилган тартибсизликлар текширишда тасдиқланганлиги хабар қилинади. Лаборантка Р. Гильфанова анализ натижаларини даволовчи врачларга ўз вақтида тайёрлаб бермаганлиги учун унга ҳайфсан эълон қилинган. Марказий шифохона бош врачининг ўринбосари М. Туробовга лаборатория иши устидан назоратни кучайтириш топширилган. Лабораторияда қатъий иш графиги тузилиб, уни назорат қилиш учун масъул кишилар ажратилган.

«БЕТАРТИБ БЕКАТ»

ПОЙТАХТИМИЗ аҳолисига хизмат қилаётган 39-, 45-маршрутлардаги автобус хизматидаги камчиликлар газетанинг 10 октябрь сонида босилган юқоридаги хабарда кўрсатилган эди.

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи Р. Ф. Файзуллаевдан олинган хабарда газетадаги танқидий хабар бирлашмада ҳамда 4-автобус парки коллективи ўртасида муҳокама қилинганлиги айтилади. Лаборантка Р. Гильфанова анализ натижаларини даволовчи врачларга ўз вақтида тайёрлаб бермаганлиги учун унга ҳайфсан эълон қилинган. Марказий шифохона бош врачининг ўринбосари М. Туробовга лаборатория иши устидан назоратни кучайтириш топширилган. Лабораторияда қатъий иш графиги тузилиб, уни назорат қилиш учун масъул кишилар ажратилган.

Мазкур маршрутларда хизмат қилаётган автобус ҳайдовчиларига фақат белгиланган жойларда тўхташ лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. Баҳоси 3 тийин

МЕҲМОНИМИЗ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ПОЙТАХТ ОБЛАСТИДА 25 МИНГ ОБУНАЧИСИ БОР.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»нинг биринчи сони чиққанига йигирма икки йил бўлди. Мен йигирма икки йиллик тарихни, босиб ўтилган йўлни сўзламоқчи эмасман. Асло...

Газетамиз кейинги икки-уч йил ичида ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгарди. Бу дастлаб коллективнинг ҳалол меҳнати натижаси. Бу ҳолни шундоқ баҳоласак тўғри бўлади.

«Оқшом»нинг ўзига хос бажарадиган вазифалари, ўзига хос фазилатлари, ўзига хос ютуқ ва камчиликлари ҳам бор.

Газета аввало оқшом газетаси. Яъни, хизмат бурчини бажариб қайтган ишчилар, хизматчилар ўқийдилар. Кўйинг-чи, каттаю-кичик шаҳримиз аҳолиси мутолаа қилади. Демак, «Оқшом»нинг биринчи вазифаси ана шу муштарийларимизга ором, завқ бағишлашдир. Шунинг учун ҳам «Турмуш чорраҳаларида», «Дўнолар бисотидан», «Ҳикматнома» сингари рубрикалар остида, «Шанба оқшоми», «Нафосат гулшани», «Назокат», «Саломатлик клуби» сингари подборкалардаги материаллар ҳажман кичик бўлса ҳам, ўқимишли, мазмундор бўлишига эътибор берамиз.

Шаҳарликларга, фақат шаҳарликларга эмас, ҳамма нарса зарур: транспортнинг бир маромда ишлаши, савдосотиқдаги ҳалоллик, маиший хизмат, уй-жой, санитария ҳизмати, соғлиқни сақлаш ва ҳоказо. Демак, газетанинг яна бир муҳим юмуши бор: шаҳар ҳаётидаги ютуқ ва камчиликларни рўй-рост ўз саҳифаларида акс эттириши керак. Бу мавзулардаги материаллар «Истеъмол буюмлари манзурми?», «Долзарб мавзу», «Куюнчаклик билан ёзилган» сингари рубрикалар остида ўз аксини топади.

РЕДАКТОР МИНБАРИ

«ОҚШОМ» ФАЙЗИ ЁР БЎЛСИН

Янгилик — ҳар бир кишининг вужудини яйратади, қалбида туғён уйғотади. Бу йил ҳам «Оқшом» материалларининг ранг-баранглиги, тематикасининг турли-туманлиги билан газетхонларни хушнуд қилади.

Чунончи, янги очилган «Оқшом»да илк марта», «Келгуси беш йилликка чизгилар», «Хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар», «Ҳикматнома», «Депутат ҳисоб беради», «Оқшомхонлар учун учрашув», «Демократияни ўрганайлик», «Доимий комиссиялар фаолиятидан», «Дўст билан обод уйинг», «Партия турмуши ва қайта қуриш», «Идеология ва ҳаёт», «Коммунистнинг маънавий олами» рубрикалари берилажак ва берилаётган материаллар мазмунини айтиб турибди.

Бу йил ҳам Тошкент янгиликлари, қўли гул кишиларимиз, адибларимизнинг янги асарларидан намуналар, она табиатимиз муҳофазаси, интернационализм, дўстлик, қардошлик ришталари, инсон, одоб, жамият хусусидаги мақолалар, лавҳалар газета саҳифаларидан ўрин олади.

Бир янгилик: «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари қошида миллий муносабатлар ва тил муаммолари совети тузилиб, иш бошлади. Советга республикамизнинг ўнга яқин етакчи олимлари аъзо бўлиб кирдилар. Газетхонларимиз миллатлараро муносабатлар ҳақидаги мақолаларни ўқийдилар эмас, ҳатто ўзлари ҳам шу материалларни ташкил этиш ва тайёрлашда иштирок ҳам этадилар.

Яна бир очилган янги рубрика «Министр билан мулоқот»дир. Оқшомхонлар талаб ва истаклари билан ҳар ойда газета саҳифаларида министр билан учрашув бўлади. Саволларни оқшомхонларнинг ўзи беради. Ҳатто, қайси министр билан учрашиш ҳам уларга ҳавола.

Хуллас, қилинадиган ишларимиз жуда кўп. Бу ишларни, албатта, редакция ижодий коллективи амалга оширади. Коллективимиз эса аҳил, талантли коллектив. Айни пайтда авторларимиздан ҳам миннатдормиз. Ғани Абдуллаев, Шоислом Шомуҳамедов, Кибриё Каҳҳорова, Саъдулла Султонов, Зикрилла Эгамбердиев, Наби Мажидов, Билол Аминов, Ҳамидулла Йўлдошев ва бошқалар ҳамиша кўнгилдаги зарур муаммоларни қаламга олишади.

Газетадаги материалларнинг бадиий пишиқ-пухта бўлаётгани сари, тиражимиз ҳам ўсиб бормоқда.

Бундан уч-тўрт йил аввал 50 минг нусхада чоп этиладиган «Оқшом»нинг тиражи бугунги кунга келиб 125000 га етди! Бизни қувонтирадиган факт шуки, муштарийларимиздан қариб 25000 киши пойтахт областида яшовчилардир.

Истагимиз: «Оқшом» ўзининг файзи, ўзининг дил суҳбатлари билан ҳар бир хонадонга кириб борсин, ҳар бир хонадонинг орзиқиб кутиладиган меҳмонига айлансин.

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ,
«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакторн.

сабот

Борлиқни тандирдай
қизитганда ёз,
Тезроқ қиш келсайди,
дейсиз дамба-дам.
Қаҳратонда ногоҳ қисганда
аёз,
Лаънат ёғдирасиз:
Ёқмайди куз ҳам.
Наҳотки, шунчалар
чидамсиз одам?
Бало, офатларнинг
узилмас кети,
Чидайсиз, енгасиз,
Тиз чўкади ғам.
Сиздек синовларга
дуч келса эди,
Кулга айланарди,
ҳаттоки тош ҳам.
Саботинг тенгсиздир,
эй, улуғ одам!

НУРЛИ НИГОҲЛАР

Нурли нигоҳингга бўлганман
асир...
Одам туйғуларга бош эгмай
нетар?

ШЕЪРИЯТ БУРЧАГИ

Илҳақ кутар гоҳо ишқни
бир умр,
Лекин билмас ҳаёт не туҳфа
этар.
Азал ёзмишида не борлиги сир,
Истаса бол тутар, гоҳ оғу
тутар.
Шундай синовларда тоблагай
тақдир,
Қисмат билан одам
курашиб ўтар.

Носир МУҲАММАД.

ДУСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

НАҚАДАР ЯХШИСИЗ, ОДАМЛАР

Касалхонамиз қабулхонасига транспортда авариягa учраган ёшгина бир йигитни олиб келишди. Беморнинг аҳволи оғир, у зўрбазўр нафас оларди. Айбдор шофёр (у ҳам ёш йигит) ўзини қўйгани жой топа олмас, йиғлаб навбатчи врачларга ялинар, қандай бўлмасин уни омон сақлаб қолиш кераклигини уқдирарди.

Беморга дастлабки ёрдам кўрсатилди. Врачлар консилиум ўтказиб, уни зудлик билан операция қилиш керак, деган қарорга келишди. Лекин бемор кўп қон йўқотган. Унга дамба-дам қон қуйиб турилмаса, у операцияни кўтара олмаслиги аниқ.

Коридор ғала-ғовурга тўлиб кетди. Нима экан, деб қарасак, тасодиф туфайли касалхонага келтирилган йигит ишлайдиган корхонанинг ишчилари экан. Улар ҳамкасбларининг ҳозиргина завод дарвозаси олдида машина уриб юборганини эшитишибди-ю, касалхонага югуришибди. Улар орасида турли миллат вакилларини учратиш мумкин. Гўё интернационал оила. Йиғилганларнинг ҳар бирининг фикри-зикри Зикриллада (беморнинг оти шундай экан), унинг тезда оёққа туриб кетишида. Унинг учун дўстлари ҳар ишга тайёр.

Навбатчи врач уларга воқеани тушунтирди.

— Қонми, мана мендан олинг.

— Истаганча олинг.

— Дўстимиз учун нима лозим бўлса муҳайё қиламиз.

— Жонимизни ҳам аямаймиз.

Зикриллани операция хонасига олиб кетишди. Унинг қон группасига тўғри келган дўстлари индамай билакларини шприцга тутиб беришди. 4 соатлик операция давомида гўё улар жон олиб, жон беришди. Дўстлик қудрати ўлимни енгди. Операция муваффақиятли ўтди. Ҳамкасблари қони Зикриллани ўлимдан қутқариб қолди.

Палатада ҳам беморни дўстлари ёлғизлатиб қўйишмади. Галма-гал навбатчилик қилишди. Икки ҳафтада Зикрилла оёққа турди. Ўша куни дўстлари учун тантана бўлиб кетди.

Орадан бир ой ўтиб Зикрилла касалхонадан чиқадиган бўлди. Ўша куни унинг дўстлари қуршовида айбдор шофёр йигит ҳам гул кўтариб турарди. Зикрилла биз билан хайрлашиб чиқди-ю, дўстлари орасида кўринмай кетди.

Шу воқеани кузата туриб ўйланиб кетаман. Дўстлар ҳимматига қойил қоламан.

Турсуной НУРИДДИНОВА,
3-шаҳар касалхонаси ҳамшираси.

Замондошимиз

✦ ТОШКЕНТ тўқмачилик комбинатнинг 3-филиалида Бахтли Зокирова номини ҳурмат билан тилга олишмоқда. У ўзининг ҳалол ва сифатли меҳнати билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Иш нормаларини доим ортиғи билан бажаради.

Т. Каримов фотоси.

КОММУНИСТ ҲАҚИДА СЎЗ

ИСТИҚБОЛ САРИ

Бўзсув каналининг шундоққина бўйидаги Тошкент ГРЭСи энергоблокларида ҳар куни баралла меҳнат симфонияси янграйди. Нурчилар ўзларининг эрта-ю кеч фидокорона меҳнати билан шаҳримизни чароғон этмоқдалар, хонадонларимизни нурга тўлдиришаяпти. Агар таъбир жоиз бўлса, бу ерни халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини қон томирлари билан қамраб олган юракка ўхшатиш мумкин. Аммо биз ҳозир бу ҳақда эмас, ана шу коллективда ишлаётган фидоий, заҳматкаш инсонларнинг мамлакат ҳаётидаги, ўз иш жойидаги туб ўзгаришларга бўлаётган муносабати ҳақида фикр юритмоқчимиз. Суҳбатдошимиз ТашГРЭСнинг катта машинисти, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегати Мирқобил Мирсиддиқов.

— Мирқобил ака, қайта қуришнинг муваффақиятларини қандай қилиб бойитиш мумкин?

— Энг муҳими — одамларни шу улуғ ишнинг моҳиятини тўғри тушунишида. Ҳалол, виждонан ишлаб ўз ҳиссаларини қўшишларида. Ҳозир биз ўзимизнинг нималарга қодирлигимизни тўла англаб турибмиз. Ўз иш жойимизнинг тўлақонли хўжайинига айланганмиз.

— Деман, бу борада ғайрат ва сабот билан иш кўрилса бас экан-да?

— Албатта. Одам аввало ўзининг ҳаётда тутган ўрнини билиши, бугундан кўра кўпроқ эртанинг ташвишларини қилиб яшаши керак. Мана оғир бўлса ҳам шу йўлни танладик. Қайта қуришни давр талабига айлантирдик. Ҳозир ундан ҳамма қониқмоқда, мамнун бўлаётир. Аммо бошқаришнинг эски механизмини сингдириб ташлаш осон бўлмайди. Ҳамма нарса — янгилик учун курашишга, уни жорий этишдан чўчимасликка боғлиқ.

— Коллективингиз хўжалик ҳисобига ўтганми?

— Шу йилдан ўтдик. Бу билан баъзи бир раҳбарлик бўғинлари тамоман барҳам топди. 150 ишчи ўрни қисқартирилди. Улар бажарган ишларни ҳозир биз ҳеч бир қийинчиликсиз уддалаяпмиз.

— Коллектив ишининг яна бир яхши томони — электр энергиясидан ташқари иссиқлик манбаидан ҳам фойдаланилаётганидир.

— Албатта, мана икки йилдан бери Ленин номли колхоз иссиқхонарийсини иссиқлик энергияси билан таъминлаб келаяпмиз. Қолаверса, шу атрофдаги хонадонлар ҳам бу қулайликлардан баҳраманд бўлмоқда. Агар барча энергоблокларимиз реконструкция қилинганида эди, биз Тошкент шаҳридаги ҳамма зонани иссиқлик энергияси билан таъминлаган бўлар эдик. Бизнинг технологик жараёнлар шундай принципдан иборат-ки, асосий ёқилғининг 60 процента қайал сувини иситишга кетади.

— Мирқобил ака, коммунистларнинг сиз иштирок этган ўша унутилмас тарихий анжумани фаолиятингизда қандай ўзгариш ясади?

— Дадилликка ўргатди. Қолаверса, ҳар бир ишга бўлган ишончимизни мустаҳкамлади.

Суҳбатни
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
олиб борди.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА — КЕНГ ЙЎЛ

МУҲИМ МАСАЛА

Тошкентлик тўқмачилар ўтган йил давомида хўжалик ҳисобининг биринчи модели бўйича ишладилар. Хўжалик юритишнинг янгича тартиби борасида бир қанча тажриба тўпланди. Йил натижалари қуйидагича: комбинат давлатга 19,2 тонна калава, 19 миллион 508 минг дона ғалтак ипни етказиб бера олмади. Маҳсулот реализацияси плани 96,7 процентга бажарилди. Натижада, 8 миллион 740 минг сўм даромад олинмади. Товар маҳсулоти плани 97,5 процентга бажарилган. Бу тағин 6 миллион 761 минг сўм камомад демакдир. Соф норматив маҳсулот бўйича план 98,3 процентни ташкил қилган. Корхона 788 минг сўм маблағдан маҳрум бўлган.

Бундай шароитда хўжалик юритишнинг иккинчи босқичига ўтиш мумкинми! Комбинат коллективи учун бу жуда муҳим масаладир. Шунинг учун ҳам бу масала корхона бошқармаси коммунистларининг очиқ партия йиғилиши кун тартибига қўйилди.

Демократия ва ошкоралик руҳида ўтган йиғилишда ҳар бир коммунист ўз фикрини очиқ-ойдин ифода қилди. Маълумки, иккинчи босқичда даромад асосий кўрсаткич ҳисобланади. Корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиб, йиғилишда сўзга чиққан комбинат бош бухгалтери Т. Соловьева шу кундаги мавжуд молиявий шароитда иккинчи босқичга ўтиш мумкин эмас, деган фикрни билдирди.

— Сизнинг фикрингизча, иккинчи босқичга ўтишимизга ҳали эртами!— луқма ташлади корхона бош инженери ўринбосари В. Мимрина.

— Йўқ ўтамиз!— деб жавоб қилди В. Соловьева,— лекин бунинг учун қуйидаги шартларни бажаришимиз лозим.

У коммунистлар эътиборига ҳавола қилган шартлар қуйидагилардан иборат эди: министрлик ҳисобига корхона даромадидан ўтказилган маблағ коллектив ихтиёрига қолдирилиши лозим. Шунингдек, пардозлаш фабрикасида чўзилиб кетган реконструкция ишлари учун 500 минг сўм миқдорида ёрдам ажратилиши керак.

Албатта, коммунистлар йиғилишида ўтган йил натижалари, хўжалик ҳисобининг биринчи модели билан боғлиқ масалалар биргаликда муҳокама қилинди. Йиғилишда сўзга чиққан комбинат бош иқтисодчиси В. Левинанинг биринчи босқичдаги камчиликларда асосан ишчиларнинг айби кўп деган фикри кўпчиликда эътироз туғдирди.

— Комбинатда коммунистлар аттестацияси комиссияси ўз ишини давом эттираяпти,— деди комбинат партия комитети аъзоси В. Апасов.— Шу кунгача бошқарма коммунистларининг тўртдан бир қисмигина комиссиядан ўтди. Коммунистлар жанговарлигини оширишга қаратилган муҳим бу тадбир бошқармада жуда сусткашлик билан ўтказиляпти.

Йиғилишдан сўнг, комбинат партия комитетининг секретари У. Султонова билан учрашиб, унинг бу ҳақдаги фикрини билдик.

— Иккинчи босқичда иш бошлаш керак. Кутиб ўтирганга имкон йўқ. Негаки, иш жараёнида ишчиларнинг қизиқиши ортиб, ижобий натижалар келтиради, деб ҳисоблайман.

Феруза ҲУСАНОВА.

✦ «Тошкент оқшоми» газета редакцияси ижодий коллективи навбатдаги режаларни муҳокама қилмоқда.

Р. Шарипов фотоси.

ҚАТРАЛАР

ЭНГ ҚУДРАТЛИ КУЧ

Яқинда бир танишим ноҳақ кимсалардан панд еб, туҳматга қолганини айтди. Мен унга:

— Ҳақиқатда сен пок бўлсанг, бунга ишонсанг — кураш! — дедим.

У бўлса:

— Ахир туҳматчилар кўпчилик, мен эса ёлғизман, — деди синиқ овозда.

— Эй, азиз дўстим! Сен ҳақ экансан, асло ёлғизман дема, чунки ҳақиқат сен билан, унга бас келадиган куч йўқ оламда! — дедим-у, мавлоно Биноийнинг ушбу байтини келтирдим:

Гар ҳақсан — ғолибсан
мудом, албатта,
Демишлар: «Чинакам куч —
ҳақиқатда!».

ҚОРА ТУТУН

Тўрт-беш улфат бир пиёла чой устида ширин суҳбат қуриб ўтирардилар. Бир барзанги келиб, улар даврасига қўшилди, суҳбатга аралашди. Ўзининг бемаъни сўзлари, ахлоқсиз иборалари билан бошқаларнинг дилини хира қилди.

Маълум бўлишича, у —улфатлардан бирининг қўшниси экан. Барзангининг беодоблигидан андиша қилган қўшни, улфатларининг кайфиятини тушуниб, Ҳазрат Жомийдан бир байт келтирди ва барчани турмоққа ундади:

Бил, хонага қародуд —
тутун ўрлаган замон
Эшикдан деворгача қаро
этгай бегумон!

Дилмурод САИДОВ.

ҚУЁШ ШАҲРИ

(ЛАВҲА)

Яшил деймизми, оқ деймизми, тош деймизми, гул ёки қуёш шаҳри деймизми, бу сифатларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳримиз жамолига ярашади.

Тошкентни яна боғ-роғлар шаҳри, Тинчлик, дўстлик шаҳри, деб таърифтавсиф этадилар.

«Тошкент — нон шаҳри» деган ибора етти иқлимга машҳур бўлгани бежиз эмас.

Тошкент — она-Ватанимиз харитасида «шарқи-жанубдаги шавкатли пойтахт» бўлиб турибди.

Тошкент бундан чорак асрча илгари зилзиладан зарар кўрганда бутун мамлакат унга дўстона ёрдам қўлини чўзди. Шаҳар ўшанда жабридийдаларни ҳам, ҳашарчи дўст-қардошларни ҳам бағрига олди. Тошкент мамлакатнинг энг катта қурилиш шаҳрига айланди. Ҳар бир республика ўзига майдон ажратиб олиб, мустаҳкам ва чиройли турар-жой биноларини бунёд этдилар: оқ мармар кошоналар, нақшин бинолар, боғ-хиёбонлар барпо этилди.

Тошкент оқ мармарларга безаниб, қадим исмига монанд «Тош шаҳри» — безактошлар билан жилоланди. Равон кўчалар, кенг майдонлар, яшил ҳиёбонлар шаҳар кўркига ҳусн бағишлади.

Тошкент тобора гўзаллашиб, ҳаёт жўш урар, одамлар гаштли меҳнат, роҳат-фароғат бағрида яшар-жанубида машъала бўлиб порлаб турибди.

Тошкентда истиқомат қилаётган, юзлаб миллат кишиларининг бир жон, бир тан бўлиб кўрсатаётган меҳнат ғайрат-шижоати таҳсинга лойиқ. Арманистонда юз берган оғир зилзила фожиасини эшитган кундаёқ Тошкент оёққа турди. Мактаб ўқувчисидан тортиб, пенсионер отахон-онахонларгача арман халқига ёрдам учун қўл чўздилар, ҳар ким баҳолиқудрат маблағини Арманистонга йўллади. Тошкент қардошларимизга қону-жон, нимаики керак бўлса ҳаммасини жўнатиб турибди.

Тошкент ҳиммати баланд, ҳикмати ҳаётга монанд муҳаррам ва мукаррам шаҳар! Бу шаҳарнинг об-ҳавоси, оби-ҳаёти, чақноқ қуёши, тўрт фаслининг ўзига хос фазилатлари таърифу-байтларга сиғмайди. Тянь-Шаннинг сарбаланд тоғларидан бошланган Псков, Угом, Чотқол, Кўксув дарёлари Чорвоқ масканида бирлашиб, Тошкент воҳасидан Чирчиқ номи билан оқади. Унинг бир ирмоғи — Бўзсув канали Ғазалкентда ажралиб, Тошкентимизга кавсар сувларини олиб келади, анҳор ва ариқларга ажралиб, яшил шаҳримизни яшнатади.

Гўзал Тошкентнинг жамолини ва дилрабо ҳавосини мақташ билан бирга, унинг суви, ҳавоси, дилижон табиати ифлосланаётганига, бунга кўплаб завод-фабрикалар чиқиндилари, транспортнинг тозаланмаган газлари ва ахлатхоналар тартибсиз эканлиги сабаб бўлаётганини афсус-надомат билан айтамиз. Ҳуснга доғ соладиган иллат йўқотилиши керак. Тошкентнинг оби-ҳаётини, об-ҳавосини, боғ-роғларини, қўйингчи унинг гўзал табиатини кўз қорачуғидек асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак.

Тошкент — қуёш шаҳри, қуёш завол билмаганидек, она шаҳримиз доим гуллаб-яшнайверсин.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

СУРАТДА: бугунги Тошкент жамоли.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

КЎНГИЛГА ҚЎНГАН ҒУБОР

Азиз кийимлар сочилиб ётган шкафни ҳарчанд кавламасин, кўйлагини тополмади.

— Сурайё, оқ кўйлагим қани?

— Ҳали дазмол урилмагандир-да, бурчакдаги столни қарай қолсангиз бўлмайдими?

— Кир ювганингга уч кун бўлди-ю, столда нима қилади?

— Мен ҳам одамман, сизга ўхшаб ишдан чарчаб келаман, автомат эмасман-ки, ҳаммасига баравар улгурсам...

Азиз бир тўда кийимлар орасидан кўйлагини аранг топиб, ўзи дазмолларди. Тушликда кичик қизи Озода инқиллаб кечаги карам шўрвани келтириб столга қўйди.

— Сурайё, бундай тузукроқ овқат қилсанг бўлмасмиди, уйни ҳам йиғиштирмабсизлар?

— Ошқозоним насаллигини билиб туриб сўрайсиз-а?

— Сен касал бўлсанг, мен парҳез тутолмайман-ку?!

— Иккиталаб қозон қайнатишга кучим йўқ, сизга иш буюриш бўлса бас. Бошқалар якшанбада одамларга ўхшаб дам олади, эри кир ювади, овқат пиширади. Сизнинг дастингизда бу уйда тинчлик бўладими, йўқми?

Азиз ўзини қаерга қўйишини билмай, уй ичида у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

— Қандай аёллар экан-а, лобар, меҳнатсевар, ширинсўз?..

Шу пайт кутилмаганда эшикдан ҳамкасб дўстлари Коля ва Анвар кириб келишди.

— Келинглар, келинглар, қайси шамоллар учирди? — Азиз ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди.

— Сурайё, дарров дастурхон ёзиб юбор.

Хотини унга ёвқараш қилди. Катта столни озгина тузаган бўлди-да, иккала боласини олиб тўрдаги уйга кириб кетганча қайтиб кўринмади.

Уччовлашиб қўлбола палов ясашди, алламаҳалгача чақчақлашиб ўтиришди. Азиз анчадан бери бундай ёзилиб кўнгил очмаганди.

Эртасига жанжал қолган жойидан давом этди.

— Топганингиз дўстларингиздан ортмаса, неча йилдан бери шуба дейман, менга пул йўқ, дўстларингизга топиларкан-ку? Эртадан кечгача ўртоқларингизнинг малайчилигини қиладиган аҳмоқ йўқ, айтиб қўйинг — бошқа келишмасин! Ота-онангиз ҳам, ҳадеб келаверишмасин.

— Нима!?..

Азиз қандай қилиб Сурайёнинг юзига шапалоқ тортганини билмай қолди. Бояндан бери анграйиб турган кичкина Сайёра чўчиб кетиб, онасининг оёғини қучди. Онаси эътибор бермагач, елкасига костюмини ташлаб эшикка бурилган отасига ёпишди.

Сокин хиёбонга борди. Тинчгина. Истаганча ўйлаб, хаёл суришинг мумкин. Сурайё билан биринчи марта уришганда шу ерга келганди, шу-шу ҳиёбон унинг дардкашига айланди.

Совуқ этини жунжитди. Кўксини тўлдириб соф ҳаводан шимирди. Бир чеккада нурсизгина ой мунғайиб турарди. Уни борган сари ўзидан йироқлашиб, совиб, хиралашиб бораётган муҳаббатига ўхшатди.

Ҳабиба МАНСУРОВА,
Тошкент Давлат университети ўқитувчиси.

• «КУЛГИХОНА»

ХАНДАЛАР

✦ УНУТИШ

— Нега дастрўмолчангнинг учи тугилган?

— Электр токи учун пул тўлашим кераклигини унутмаслигим учун ойим тугиб қўйдилар.

— Хўш, тўладингми?

— Йўқ, ойим пул беришни унутибдилар.

✦ ГЎЗАЛ РАСМЛАР

— О, қандай гўзал расмлар! Айтинг-чи, Людовик XIV давридаги либослардаги бу хоним ва жаноб ким?

— Авлодлар, хоним.

— Кимнинг авлодлари?

— Агар шу портретни сотиб олсангиз, унда сизники бўлади.

✦ АЙТИШУВ

Хотини билан узоқ баҳслашган эр ниҳоят чарчаб, деди:

— Майли, хўп, сенингча бўла қолсин!

— Йўқ, кеч! Мен аҳдимдан қайтдим!

✦ СОЯБОН

— Эҳ, қаттиқ ёмғир ёғаяпти. Хотиним эса соябонсиз кўчага чиқиб кетган эди.

— Ҳеч хавотир олманг. Бирорта магазинга кириб, бошқасини сотиб олар.

— Мен ҳам шунисидан қўрқаяпман-да.

✦ ҚИЗИҚ САВОЛ

Қизнинг отаси сўради:

— Бўлғуси куёвнинг тўпиши қанақа?

— Жуда қизиқ, дада! У ҳам худди шу савол билан сизнинг маошингизни суриштирганди.

Русчадан
Сайфулло НАМОЗОВ
таржималари.

РАССОМ ТАБАССУМИ

— Жоним, Тўра Олғичов порани қўлдан олмаяптилар, нима қилсамикин?

— Бу жуда оддий, почта орқали юборинг.

Шуҳрат СУБҲОНОВ чизган расмлар.

— Ия, синглим, нега ёш болага сигарет сотяпсиз?

— Ишингиз нима, бизда план деган нарса бор, савдо бўлсин деймиз-да.

22 ЙИЛ БУРУНГИ ДОСТОН

1966 йил, 26 апрель. Соат 5-у 23.

Балойи ногиҳон, асов қудрат нон шаҳри Тошкентни бир кўтариб урди ва 13 сониядаёқ кўп жойни вайрон қилиб ташлади...

1988 йил. 7 декабрь. 10.41.

Тоғлар қаъридаги ғалаён — табиий офат Арманистон кўркини аямади ва Ленинакан, Спитак, Кировакан, Степанаван шаҳарларини 30 сониядаёқ қунпаякун қилди.

Зилзиладан қаттиқ озор кўрган Тошкент бугун валангар Арманистон жабрдийдаларига ҳамдардлик билдиряпти, саховатли қалбини тутяпти, жиғаргўшаларнинг яраларига малҳам бўлсин, деб қон топширяпти, 700412-счётга қолибақудрат пул ўтказяпти. Шундай бўлиши ҳам табиий. Зеро, бошимизга оғир мусибат тушганда арман биродарлар бизни ёлғизлатиб қўймаганлар.

Ўшанда нодир тиқиқан Тошкентга «Комсомольская правда»нинг топшириғи билан таниқли шоир Андрей Вознесенский зудлик билан етиб келган ва «Ёрдам беринг, Тошкентга!» деган ҳамдардлик достонини қоралаб кетган эди.

31 апрель эрталаб мени «Тошкент ҳақиқати»ндан йўқлатишди. Борсам қўлимга «Комсомольская правда» газетасининг шу кунги сонини тутқазишди. Унда «Ёрдам беринг, Тошкентга!» достонидан парчалар босилган экан. Шуни ўзбекчага ўгириб берасиз, байрам сонларидан бирида босамиз, дедилар. Таржимани эртасигаёқ элтиб бердим. Лекин у ҳадеганда босилавермади. Кейин суриштириб билсам, достон айрим «катта»ларга ёқмаганмиш, ўзбек халқининг шаънига ярашмасмиш. Муаллиф Тошкентни гўё тиланчи қилиб қўйганмиш. Ахир, уларга ҳамду сано ёқарди-да! Маълумингизки, азада яшасин дейилмайди, чапак чалинмайди.

Зилзилага ижтимоий тузумнинг ҳам, катта-кичик халқнинг ҳам фарқи йўқ. У макон ва улус танламайди. Мусибатда ҳеч ким ор қилмайди. Халқда «бир кунингни унутма» деган гап бор. Арманистонга жонким отам қарашинг! «Ёрдам беринг, Тошкентга!»нинг таржимасини орадан 22 йил ўтказиб, эълон қилаётганимнинг асл боиси шу.

Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ.

ЁРДАМ БЕРИНГ, ТОШКЕНТГА!

ПОЭМАДАН ПАРЧАЛАР

Ёрдам беринг Тошкентга,
Ёғоч пажжара қўйган,
Бир аёлни деворга
Қапиштириб қўйган.

Ёрдам беринг Тошкентга!
Чўлми, ёғоч — ёрдам бер,
Унми, умоч — ёрдам бер,
Бор бўлса ҳам — ёрдам бер,
Йўқ бўлса ҳам — ёрдам бер!

Цирк ёнар.
Масхарабоз увлар бир четда.
Ёрдам беринг Тошкентга!
Момо Ер, туғмоқдасан.
Улуғлик бор моментда.
Барими ўйланиб етган!
Ёрдам беринг Тошкентга!

Тошкент бир силкитиб кўтариб қўяр.
Бу ернимиш инсон ҳафт рангга бўяр.
Аммо тенгсиз дабдаба
Тиқиқларни қилмасмикин дабдала!
Телба онамиз, Ер,
севамиз зор-зор.
Аммо болаларни бир ямлаб ютмоқ!!
Буни тўғриғи ялмоғизлик демоқ!

Мен бир данагинг, Ер,
Қўл-оёқдай сенинг битта қисмингман.
Уятини ёрган зилзиладор давр
Ўз қонинг
Жонингни суғуриб олар жисмингдан.
Бизларни оналик севгиси билан
Ўғирда янчасан.
Айланмаймиз, йўқ,
Қиймали этга.
Ёрдам беринг Тошкентга!..

...Вайронада бирдан қарс этиб кетган
Аламми ё чапак,
Бир қизалоқ қуя ўлдириб ҳалак.
Ёрдам беринг Тошкентга!

Эдик АВАНЕСОВ:
[спорт мастери]
«Верка,

кавлаяпман,
жоним, ловқал
Жиндак чидаб,
жиндай нафас олақол...
Панжалар қон.
Кошки бўлсайди белча.
Ғишт тагида инграб
қимирлар елка.
... Эдька,
ўзингмисан!
Топдингми мени!
Олиб ташласайдинг бу уйни энди.
Эзворди!
Юк оғир.
Мих, оҳакдан танам ловуллаб оғрир.

Сувоқлар ёрилган, кулдонлар синган,
Бошдан-оёқ ёлғон, ғирт ёлғон-яшиқ.
Урмалаб киролмас зиҳқор қалбингга
Елғондакам машқ!

Азизларим, тирик, тиригман, ахир!
Бўлғуси олифта йигитлар учун.
Мен
Бетонда ҳидсиз, қуриган гулмас,
Прессланган нозик бармоқлар учи!

Бошим гангиб, сотиб олдим кўп буюм.
Ўз бошимга бало бўлдими уйим!

Жоним, бир ўпгин-у, бағрингдан қўйвор...
Лопиллаб турибди устингда девор..»

Кўзига қум тўлар.
Боши айланар.
Асрларнинг чарх тоши айланар.
Сенинг оқ елкангга муҳрдай
«Огонёк» шнори босилар.

... Биров отилиб чиқди. Чалвор-камзули билан. Чап қўли кулдон тутган. Ўнг қўли билан кул қоқарди унга.

«Етмиш сўм юборяпман тчк Ота-онаси қурбон бўлган болаларга берилсин тчк Отпуска пулим тчк Маркелов Дзержинск Горький области».

Тиловат шарпалари телефон жирингларидан бўлиниб турган диния назоратида муфтий билан ҳамсуҳбат бўлгач, яп-янги, тўгараксимон кинозалга бордим. Шикаст емабди. Оёғини тираб турар навқирон.

Замбилда қиз инқиллар. Сочлари — кимёвий, сариғиш-олтин. Таг-тагидан қорамтир. Тўрт сантиметрчаси. Тасмадаккина. Бўятмай қўйганми, сочлари аслидагича ўсяпти. Қўнғирсоч бўлмоқчийди!

Ёрдам беринг Тошкентга!
Боғ ўрнида дўзах. Серрайган устунлар
суяб туролмас кўшкин.
Гўё асрларга майнадай
Ҳиёбон устида
Ярим белигача осилган Пушкин.
Уяти йўқ уюрмаларга чидаб,
Улиб тириламиз жўрттага.
Ахматова уйи, оқ уй, беғубор,
Сени қанча лиқиллатди ўртада!
Мен яшадим
ҳар хил экспериментда
Увалониб кетмай, бутун қолмоқчун,
Элан-қаран жар солмоқ-чун:
«Ёрдам беринг Тошкентга!»

Бошпанами — ёрдам бер,
Ошхонами — ёрдам бер,
Оламдами — ёрдам бер,

Малҳамдайми — ёрдам бер!
Қайтариб бераман билетларни жим.
Наҳот
Ғижим-ғижим,
Ялинган, маъюс
Кўзларингдан олиб қочаман ўзни!
Ташлаб кетолмайман бўтакўзни.
Ким билан яшадик — шуми муҳими!
Кимни халос этдик — шуниси муҳим!
Қутқазиб қолгунча етти ёт худди.
Қутқазиб қолдингми—ўзингники муқим.

Витринада майиб-мажруҳ буталар,
Ҳурпайган сочларда
Мижиғланган гул.
Юрак дардаракми, титрайди дир-дир.
Увун-тувун ётар шаҳар дарбадар.
Тошкентим, тириклигим,
Нима қилсам, сени қўйворар бу дард!
Мен сенга нолакор
Шеър ўқийман.
Сал юмшасин бало,
Сеҳр ўқийман.
Қайдан биларди мен,
ўша йил,
Тошкент —
Учи қирралик нок,
Сенинг нокка ўхшаш эпицентринг
Мени гумбирлатиб қилишин ҳалок!
Уйимиз шақир-шуқир.

[... Жоним, бутунмисан! Аҳволинг қалай!
Жонинг оғридими! Телефон қилиш
оғирди...]
Юрак кейин қофияли шеър тўқир.
Ёрдам беринг Тошкентга!

ТОШКЕНТ ХАТЧАЛАРИ

«Казаков, Ахмадулина, Мартиновлар нима ёзишяпти?», «Нега шеърий китобчалар нусхаси етиб келмас бу ерга?», «Озанни, «Икки достон қоласи»ни ўқиб беринг», «Р. Лоузлл, Оден ҳақида гапириб бермайсизми?», «Пахтакорга рағбатингиз қалай?».

Бу ерда Керенскийнинг уйи бўлган. Бир сурати сақланиб қолибди — мактаб оркестрида чалаётган бола. Икки ой бурун Нью-Йоркда менга яқин келди у. Юзи тўла ҳасрат.

Зилзила дарахтларга тегмайди. Деярлик ҳаммаси бус-бутун.

Чирқиратди бало-қазо,
Ёрдам беринг моментда.
Эртанги ёрдам — аза,
Ёрдам беринг Тошкентга!

Қош-қовоқни уюб олсамиз агар,
Такадай гердайиб «бе-бе»ласамиз,
Бировнинг жатига қолсамиз агар,
Кўз ёш қилсамиз сўнг ясама,
Бос, худди бир гашетка:
«Ёрдам беринг Тошкентга!»

Сайрбоғ. От ўйин.
Тонготардан бери бир жуфт чирпирак.
Уй гупиллаб ағнар.
Том остида бир
Будильник чақалоқ каби чирқирар.

Кабобпазлар кабоб пиширар чўғдай.
Замин таги эса даҳшатли олов,
Бозорни остидан ялар ҳансираб,
Кабоб патнусидай ҳаммаёқ лов-лов.

Боғ ўрнида дўзах.
Бир лавҳа.
Ахлоқ-одобдан дарс бермас бировга.
«Рояль сотилади.
Яп-янгигина.

* * *

Уни олиб чиқиш харидорнинг таниги».
Биз — эркакмиз, Тошкент.
Қўнникиб қолганмиз лат ейишларга.
Осуда афсона бўлиб қоласан.
«Раҳмат, қарашамиз» дейишларга.
Танкеткалар, раҳмат,
Анкеталар, раҳмат.
Раҳмат,
Ўлмас, серзаҳмат

Тошкентликлар — шоирлар.
Кенг осмон тагида қизғин бир нафас,
Кўрнинг ёш юлдузни ва студентни,
Мэрни, арғуванни, тунги нонвойни.

Оромини бузманг ҳорғин Тошкентнинг.
Буларнинг ҳаммаси тушмади арзон,
Фавқулодда бўлди. Деворлар тамом.
Сарҳадсиз осмон.
Бормикан ундан ҳам мустаҳкамроқ том.

Амоналга яқин ухлаганлар тек
Фақат Тамарамас, Лола ё Эдик.
Тошкент қаттиқ тошга бошин қўйгандек.
Ёрдам беринг Тошкентга.
Инженерми — ёрдам бер,
Аёл меҳримми — ёрдам бер,
Дўстлигингни синатиб.
Шаҳар таги динамит.

УЙЛАР СИЙНАСИ

Ғиштлар — чақилган пўчоқ,
Бузилиб кетган ўчоқ,
Деворлар сўппайиб турар яланғоч.

Қил устида гўё эски мачитлар,
17/12 сонли қўш кулба.
Устларида сузган тутунмас — хаёл,
Ўлим нималигини билмас уқубат.
Уларда печь ёқиб,
йиғлашар юм-юм.
Меҳмон кутишяпти.
Бир хотин эса
Супуриб-сидирар.

Халақит берманг.
Том йўқ.
Шамол эсар.
Ачитиб эсар.
Алвидо, сийналар!
Жоним қийналар.
Бари бўлар, бари,
Пўлат ва услуб.
Мушукчага ошён бўлар эманзор.
Чой маҳали болут хўрсинар маъюс.
Ёрдам беринг Тошкентга.

* * *

Ҳаммага.
Авлиё-анбиёданмас,
Тошкентдан.
8 балл васияти эмас
Бу — анкета:
«Яшаяпсанми жўн!
Елғон-яшиқни қўй!»
Бошқа тағин 7 та савол.
Жавоб бер,
Дардимни ол!
Виждон азоби гўё
Портлатар,
Портлагандай ойнаванд дунё,
Тилка-пора беғубор шаҳар!
Нонга икра суртиб емай тур,
Кўзлар чақчайган бу шаҳарни кўр.
Мусаффо бўл ундай.
Ёрдам беринг Тошкентга!

Адвокат,
оро кир жонга,
Раққоса,
рўйи жаҳонга.
Соф гўзаллик бағишла.
Ёрдам беринг Тошкентга!

Ҳайкалтарошлар,
монумент
Улашманглар ҳаммага.
Қўл-ла созлаб бўлмас-ла
Ёрдам беринг Тошкентга!

Олисдамиз дейсизми!
Сизларнинг деразалар
Парвона ёпишган ойнадан
Каттароқмас, кичикроқ.
Дард сизларнинг ҳам ёндадир.
Ёрдам беринг, шу ондадир.

Оёқ тагида қўрчоқ.
Ёрдам беринг Тошкентга.
У сизга қарашган ҳар чоқ.
Тошкент — кураш.
Анкета.

Тошкент.

Султон АКБАРИЙ таржимаси.
[«Комсомольская правда» газетасининг 1966 йил 31 май сонидан].

Турғун РАЖАБОВ

Турғун Ражабов оғир ва узоқ давом этган касалликдан сўнг 16 январь куни вафот этди.

Т. Ражабов 1923 йилда Фарғона областида туғилди. Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлади. Улуғ Ватан урушида қатнашди. 1946 йилдан комсомол, 1951 йилдан бошлаб эса партиявий ишда: Сирдарё район партия комитетининг секретари, Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади. У 1959 йилдан 1970 йилгача Бўка район партия ташкилотини бошқарди. 1970 йилдан то пенсияга чиққунига қадар қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси лавозимида ишлади.

Партия қаерга ишга юбормасин Т. Ражабов куч-ғайрат билан, унинг ўзига хос бўлган юксак масъулият билан меҳнат қилди. Т. Ражабов меҳнатсеварлиги, ташкилотчилик қобилияти, талабчанлиги, камтарлиги, одамларга меҳрибонлиги билан ажралиб турарди.

Унинг фронтдаги мардлиги ва тинчлик йилларидаги фидокорона меҳнати юксак баҳоланди. У иккита Меҳнат Қизил Байроқ, III даражали Шуҳрат ва «Ҳурмат белгиси» орденлари ҳамда қатор медаллар билан мукофотланган. У Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси бўлган, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланган эди.

Турғун Ражабовнинг ёркин хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

М. М. Мирқосимов, В. Г. Гордиенко, С. Д. Сайдалиев, Ю. А. Асепков, Н. И. Гусаков, Х. А. Пирнапасов, М. Б. Икромов, А. П. Алимов, Р. Қодиров, Б. Х. Сирожиддинов.

• *Реклама ва эълонлар* •

«Юбилей» марказий спорт саройида

19—22 ЯНВАРДА
МОСКВА «АПРЕЛЬ»
КОНЦЕРТ-ГАСТРОЛЬ ФИРМАСИ
«ГИДДИ-АПС» ГРУППАСИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ
«РОКТОПС» ФИРМАСИ (Финляндия)
билан ҳамкорликда
СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БИРИНЧИ МАРТА
РЕПЕРТУАРДА — кучли мусиқий вокал ижросидаги рок.
ТОМОШАЛАР: 19, 20, 21, 22 январь соат 17 ва 20.00да бошланади.
Билетлар «ЮБИЛЕЙ» марказий спорт саройи касаларида ва билет тарқатувчилар томонидан сотилади.
Справкалар учун телефонлар: 46-03-12 - касса; 46-07-53 — администратор.

ФЗМК РАИСЛАРИ, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТУРИСТИК ЭКСКУРСИЯ ПУТЕВКАЛАРИ СОТИШ БЮРОСИ

1989 ЙИЛГА

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги касаба союз комитетларининг, корхоналар ва ташкилотларнинг вакилларини «Ташкенттурист» ишлаб чиқариш бирлашмасининг туристик экскурсия путёвкалари сотиш бюросига ташриф буюришларини сўрайди.

Путёвка сотиш бюроси отпуска даврида йўл ҳаражатлари ҳисобига олинган ва ҳисобга олинмаган ҳолда кўп миқдордаги 3 ва 5 кунлик путёвкаларни таклиф этади.

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ — ИШ ЮРИТИШНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ФОРМАСИДИР.

Шартнома пул ҳисоб-китоблари юритишни осонлаштирди, энг яхши путёвкаларни харид қилишда устунлик яратади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 11-алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 69 «А» уй (метронинг «Пахтакор» станцияси). Справкалар учун телфонлар: 44-12-97, 44-11-97.

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АЛОҲИДА ГРАЖДАНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг
МАРКАЗИЙ ЎҚУВ КОМБИНАТИ
ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ИШЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРАДИ:

Газ пайвандчи (газ ёрдамида қирқувчи), электр пайвандчи, электр-газ пайвандчи, барча типдаги кранларнинг машинисти, труба ётқизувчи слесарь, слесарь-сантехник, вентиляциячи слесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, қурилиш слесари, монтажчи слесарь, механикайнғув ишлари слесари, труба ётқизувчи, шунингдек барча умумий қурилиш ва пардозлаш касблардаги ишчилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ОЙДАН 6 ОЙГАЧА.

Машғулотлар — группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Ўқишга қабул қилинганларга ойига 76 сўм стипендия тўланади.

КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ЎҚИШГА ЮБОРИЛГАН КУРСАНТЛАРНИНГ ЎРТА МАОШИ САҚЛАНАДИ

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Марказий ўқув комбинатида ётоқхона мавжуд.

Барча саволлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700100, Тошкент шаҳри, А. Қаҳҳор кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 55-36-11, 55-43-55.

«УЗСТРОЙТРАНС» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг

21-АВТОБАЗАСИ

автобаза директори лавозимига КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда олий маълумотли ва автотранспорт соҳасида раҳбарлик лавозимларида камида 5 йил ишлаган кишилар қатнаша оладилар.

Конкурсда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржимаи ҳол, икки дона фотосурат (4х6 см.), маълумот ҳақидаги диплом нусхаси, сўнгги иш жойидан ижтимоий-ишлаб чиқариш характеристикаси.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШ МУДДАТИ — 1989 ЙИЛ 20 ЯНВАРГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 702430, Тошкент области, Оҳангарон шаҳри, Цемзавод кўчаси, 1-уй, кадрлар бўлими. Телефон: 5-49-34.

Султон АКБАРИЙ

КЎМАКЛАШИНГ АРМАНИЯГА

Инқулса ҳужра, бўлсун қаср обод,
Қуруса собза, бўлсун сарв озод.
Алишер НАВОИЙ

Ҳар кўзимни ёшики маржондай оқиб ётир,
Алагёзнинг санглари сўнгакни чақиб ётир.
Арпачойга тўксам-ей кўпаярми кўк суви,
Ахир, Арманиямни армонлар ёқиб ётир.

Не гардун гардидур бу — қуёш кундузи ботди,
Ерни заранг косадай фалак тоқига отди.
Даврон илкидан кетган Айастан валангарда
Вой деёлмай кўмилди, дарахтлар тилсиз қотди.

Эмди на фирдавсмакон, на чўҳ Қорабоғ керак,
На Қорун ганжинаси, на кукули тоғ керак.
Ўланг талашмас мажруҳ, шифога Фидель қони,
Сино малҳами бўлсин-зиёли қароғ керак.

Дардин олмасам магар кимман, нимам латифдир,
Боболарим-ку Месроп Маштоц[1] каби хатибдир.
Мир Алишер даҳоси ғам тоғин ушотгали
Ширин ҳуснин Фарҳодга кўзгуда кўрсатибдир.
Гуппи деса тўн юбор, ип деса ипак юбор,
Саҳоват ойинасин токи босмасин ғубор.
Етимга эмчак солган қуюк Шарқ аёлидир,
Жон улашиб топган эл қуёшчалик эътибор.

Ереваннинг кўшклари Тошкентимга зебу кўрк,
Дилдирасам устимга ёнганди кавказча бўрк.
Турғизмасам йиқилган сосунлик Довудимни,
Алпомишнинг момоси қарғамасми: марг-е гурк.

Қизил тил ёлғонлайди, қора тил сўзласинми,
Мен ўқрамай, чўлларда тўрғайлар бўзласинми?
Баъзилар аросатда томда чиндовул чалиб,
Ватанпарвармиз деркан, баданим музласинми?

Елқадам отларни сур ёронга мадад учун,
Ўзбек меҳригиёси, лутфи беадад учун.
Бошингдан сув ўтириб ичайин Армания[2],
Мурод ҳосилин ўргин букилмаган қад учун.

Сув деса асал томиз, нон деса лочира ён,
Жавҳарингни аяма, кам бўлма, барака топ.
«Тошкент ҳақиқати»га қўш қўллаб тутган ушбу
Хайрия мавзумамни зора илдам этса чоп.

Редакциядан илтимос: «Кўмаклашинг Арманияга»нинг аҳчаси, яъни қалам ҳақи 700412-хайрия счётига ўтказилсин.

1. Месроп Маштоц арман хатини яратган.
2. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин»да Ширининг кишварини Армания деганлар.

✦ ТОШКЕНТ тўқимачиларининг маданият саройи қошида фаолият кўрсатаётган «Чебурашка» рақс ансамблига йигирма йилдан буён Валентина Николаевна Довейко раҳбарлик қилиб келмоқда. 120 нафар ёш ҳаваскор санъат сирларини ўрганаётган мазкур ижодий коллективнинг репертуаридан Совет Иттифоқи халқларининг рангбаранг рақслари мустаҳкам ўрин олган. СУРАТЛАРДА: «Чебурашка» ансамбли қатнашчилари; В. Н. Довейко шогирди А. Дашевская билан машғулот ўтказмоқда.

У. Усмонов фотолари.

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчилик Совети навбатдаги қабулни бугун — 19 январь, пайшанба куни соат 17.00 дан бошлаб ўтказади.

Бу сафар меҳнаткашларни жамоатчилик Советининг аъзоси, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Н. Турсунматов қабул қилади.

Жамоатчилик Советининг қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ ҚАБУЛХОНАСИ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ОЛТИ ЭГИЗАК

ФРАНЦИЯЛИК 29 яшар Клод Адам бир йўла олти фарзанд кўрди. Бу Франция шу вақтга қадар биринчи марта қайд қилинган ҳодисадир. Эгизакларнинг иккитаси ўғил — Седрик ва Кеви бўлиб, тўрт қизалоқларга — Корали, Гаэль, Мелани ва Дориан исмлари қўйилди. Эгизакларга доялик қилган врач Вердоннинг айтишича, чақалоқларнинг ҳаммаси бардам ва саломатликлари яхши. Уларнинг оғирлиги 1.320 — 1.470 граммдир.

ЧЕКМАЙДИГАНЛАРГА МУКОФОТ

ЧЕКМАЙДИГАН ва ичмайдиган кишилар оладиган ўн учинчи маошларига қўшимча тарзда мукофот билан тақдирланадиган бўлдилар.

В. И. Ленин номидаги Челябинск трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуюв ва темирчилик корхонаси коллективида ана шундай қарор қабул қилинди.

Бу янгилик бирлашмада биринчи марта қўлланилмоқда. Ўтган йил мобайнида касал бўлмаган, алкогол ичимликларни истеъмол қилмаган, чекмаган, физкультура билан фаол шуғулланган кишилар ана шундай қўшимча мукофот билан тақдирланадилар.

Хўш, сиз бу янгиликка қандай қарайсиз?

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916. 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноат капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; эълонлар бўлими — 325727.